

*Машраб Бобоев*

---

**С Ў З**

**ШЕЪРЛАР**

*Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1978*

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

У,  
Б 79

Бобоев Машраб.  
Сўз. Шеърлар. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 ©.

120 б.

Ўзбекистон, она-Ватан, дардингни олай!  
Билмасанг ҳам Машраб киму юмуши надир,  
У ҳам сенга жонни фидо қилмоқ учун шай  
Саноқда йўқ миллионлар қаторидадир.

Кўплаб шеърини тўпламлар муаллифи Машраб Бобоев она дийр—Ўзбекистонга бўлган фарзандлик бурчини, дўстлик, муҳаббат ҳақидаги ўйларини ўзига хос ифода этади. Мазкур янги тўпламга киритилган шеърлардаги руҳий кайфиятлар бунга тўлиқ кафил бўла олади, деган умиддамиз.

Бобоев М. Слово. Стихи.

Уз2

Б  $\frac{70403-5}{352 (06)-78}$  33—78

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

Отам Бобохўжа Рустам ўғлининг  
табаррук хотирасига бағишлайман.

Сўз айтгани келар дунёга инсон,  
Ким яхши сўз айтар, ким эса—ёмон.  
Бутун умр бўйи у интилади,  
Сўзини мукамал қилмоқ бўлади.  
Деҳқоннинг сўзидир унинг хирмони,  
Богбоннинг боғи сўз, нонвойнинг—нони.  
Устоз сўзи—шогирд, мард сўзи—вафо,  
Фазокор сўзи—забт этилган фазо.  
Гўзал сўзи... келинг, бунни айтмайин,  
Айтсам, хато қилиб қўйишим тайин...  
...Хуллас, сўз айтади дунёда одам.  
Мана, навбатдаги сўзим менинг ҳам,  
Яхшими, ёмонми, билмайман, лекин  
Бир нарсага кафил бўлоламан мен:  
Унда биронта ҳам ёлғон йўқ асло.  
Марҳамат, сўз биздан, сиздан-чи, баҳо.

# ДАЪВАТ

---



\* \* \*

Мен сени банди этиб қўлларингни боғлагум,  
Қочмоқ умидни қилма, йўлларингни боғлагум.  
Сайёди тadbиркорман, гўзаллар одатича  
Хиёнатга майли бор дилларингни боғлагум.  
Зулфингни сиртмоқ қилиб, бўйнимга ташлар эсанг,  
Мен у билан ўзингинг белларингни боғлагум.  
Дудуқланиб қолурсан нажот тавалло қилсанг:  
Бир ўтли бўса бирла тилларингни боғлагум.  
Майли, қаҳр қилиб кўр, қаҳринг менга чикора!  
Тоғу тошини қўпорган селларингни боғлагум.  
Лекин мендан норизо қолмагайсан оқибат:  
Юзингда ҳам ўн саккиз йилларингни боғлагум.  
Юрагингда бир умр унгай анвойи гуллар,  
Мен даста-даста қилиб гулларингни боғлагум.  
Ягона тақдирингман, ўзга тақдир излама,  
Ношукуру несенкор феълларингни боғлагум!  
Феълларингни боғлагум, қўлларингни боғлагум,  
Белларингни боғлагум, тилларингни боғлагум...



Мен сени шу қадар севмасам,  
Ки,  
Кўзларингга тикилганимда  
Кўзимдан сачраган учқундан  
Вужудинг бир ёнғин ичра қолмаса;

Мен сени шу қадар севмасам,  
Ки,  
Кўзларингни юганшигча,  
Бошингни кўксимга қўйганигча,  
Ҳаяжонингданми,  
Ҳароратимданми,  
Титраганигча,  
Нажот истаб турмасанг;

Мен сени шу қадар севмасам,  
Ки,  
Сенинг бу ҳолингни томоша қилмоқ учун  
Ой юзидан пардасини олиб,

Ҷарақлаб кетмася,  
Юлдузлар қамашганидан  
Жнмирлаб кетмаса;

Мен сени шу қадар севмасам,  
Ки,  
Мени деганда  
Кўз олдингда гулшаплар пайдо бўлмаса;

Мен сени шу қадар севмасам,  
Ки,  
Важоҳатимни кўриб  
Ошиқларнинг тош қотмаса;

Мен сени шу қадар севмасам,  
Ки,  
Сен мени  
Бир кеча-кундузда  
Йигирма тўрт соат эмас,  
Бир юз йигирма тўрт соат ўйламасанг агар,  
Мен сени шу қадар севолмасам агар,  
Бор, қилавер хиёнатингни!



Хато қилдик иккаламиз ҳам,  
Аввал мен йиғладим,  
Кейин сен.  
Гуноҳкорни ахтариш билан  
Машғул бўлдик иккимиз ҳам сўнг.

Юволмадик гуноҳ, хатонн,  
Ўтиб кетди шу билан тамом  
Чўкканида умримиз шоми  
Ёритишга масъул бир айём.

Йўлларимиз учрашди тағин,  
Кўзларимиз шодликдан чақнар  
Ва эгарлаб хаёл тулпорин  
Хотпрага айлаймиз сафар.

Ахтарамиз ундан бир знё,  
Кўрайлик, деб ўртада баҳам.  
Бир тарам нур топилмас ҳаммо  
Чироқ ёқиб қидирганда ҳам.

Адашамиз ҳар бир сўқмоқда,  
Зимистонда тентиганча биз.  
Ҳар қадамда чалар оёқдан  
Ўзимизнинг хатоларимиз.

Гарчи қуёш тошқиндир бугун,  
Бизга унинг дахли йўқ сира.  
Нурсиз висол, нурсиз табассум,  
Нурсиз нигоҳ, нурсиз хотира.

Қуёшли кунимиз шу бўлса,  
Не қилармиз, балки бир айём  
Гўлларимиз яна дуч келса  
Чўкканида умримизга шом?



\* \* \*

(Ҳазил эмас)

Қай биримиз қониб кетамиз дунёдан,  
Қай биримиз нолиб кетамиз.  
Лекин унимиз ҳам, бунимиз ҳам  
Аёлларга ташна ўтамиз.

Ҳолбуки, бир умр ёнимизда улар:  
Она, опа-сингил, куйдиргич ёр, қиз...  
Кетма-кет бир умр ҳамдамимиз бўлар,  
Барибир уларга тўймай қоламиз.

Ҳаводай беқадр, тупроқдай ҳоксор  
Онани ғамларда адо қиламиз.  
Йўқотгандан кейин йиғлаймиз зор-зор,  
Энг аввал онага тўймай қоламиз.

Ҳар қадамда тергаб ва зуғум қилиб,  
Доим измимизда тутмоқ бўламиз,  
Ўзга хонадонга кетгач гул бўлиб,  
Опа-сингилга ҳам тўймай қоламиз.

Сеҳрли тунларда то тонгга қадар  
Бўса ҳадя қилиб, бўса оламиз.  
Лекин етим қолса ўша бўсалар,  
Суюқлимизга ҳам тўймай қоламиз.

Аввал уйда унча кўнглимиз тўлмай,  
Кўпроқ ўзгаларга назар соламиз.

Фарзандлар эгаллаб олгач, бутунлай  
Рафиқамизга ҳам тўймай қоламиз.

Фарзандлари билан тирикдир одам,  
Фарзанднинг энг эрка, энг ширини—қиз.  
Лекин учар-кетар беш кунда у ҳам,  
Негамиз, қизга ҳам тўймай қоламиз.

Сўнгра... кўнгил қурғур гўзалликка ўч,  
Оралаганда ҳам соч-соқолга оқ,  
Гўзаллар лутфига муштоқмиз, муштоқ,  
Тўйдим, демасмиз бу неъматга ҳам ҳеч.

Жонимиз чиқарда ҳаттоки бир кун,  
Аёл деса қайта тириламиз биз.  
Дунёга-ку, тўйишимиз мумкин,  
Лекин аёлларга тўймай кетамиз.

\* \* \*

Уйлама, мен сенинг нафақат қулингман,  
Мен сенинг боғланган оёғу қўлингман.

Ағёрнинг гулидан излама тасалли,  
Мен сенинг мангуга доғланган дилингман.

Қуйлай деганингда висол қўшиғини  
Ҳижронга бурилиб кетгувчи тилингман.

Сен чаман яратмоқ бўласан янгидан,  
Ҳолбуки, хаёлдай бепоён чўлингман.

Бир нажот ахтариб талпинма ҳар томон,  
Бечим, сертугун, чигал мушкулингман.

Ишонгинг келмаса атрофга бир боққил:  
Уммондай чайқалиб ётган шўр кўлингман.

Бир умр беором йўлдасан энди сен,  
Сенинг машаққатли ва сўнгсиз йўлингман.



Уни ҳар, ҳар кеча мен туш кўрсам,  
Кўрмасам ўзимни беҳуш кўрсам.

Кўнглимни у томон талпинганча  
Қафасда патраган бир қуш кўрсам.

Имласа у мени чаманларга,  
Қаршимда қайноқ бир оғуш кўрсам.

Чаман ҳам оғуш ҳам бепоёну  
Иккимизни бахтдан сархуш кўрсам.

Усиз мен, чаманлар нари турсин,  
Бутун бир дунёни бўм-бўш кўрсам!

Қулагач тушимнинг осмонидан,  
Унгимни нотавон, нохуш кўрсам.

Тутқичсиз хаёл бу, Машрабман-да,  
На қилай, хаёлни мен хуш кўрсам!

## ИККИМИЗ

У бир қизки, гўзалларнинг гўзали,  
У бир қизки, донолардан ҳам доно.  
Етти кўкни жо қилғуси кўзлари,  
Тамашноқи—бир оламлик таманно.

Гар истаса бир бор қиё боқиб ул  
Мажруҳ этар менман деган шунқорни.  
Қиз аҳлики бордир—унга рақибдур,  
Йигит аҳли борки—унинг хуштори.

У ёнидан мени бир зум қўймайди,  
Бир зумгина холи қўймас тушда ҳам.  
У бир гапни такрорлашдан тўймайди:  
«Мени севгин, мени севгин, жонгинам!»

Севай дейман, аллаласин муҳаббат,  
Аммо сира севолмайман, не чора,  
«Жонгинам», деб такрорласа ҳам абад,  
Унинг ўзи севмайди-да, бечора...

\* \* \*

Анҳор соҳилида кезинаман жим,  
Ошно ҳислар оқар анҳорда тошиб.  
Тўлқин ўрқачига миниб ўйларим,  
Анҳор соҳилида излайман қўшиқ.

Анҳор соҳилида кезинар бир қиз,  
Титраган лабларда балки ишқ байти.  
Сочлари паришон, юзлари ҳиссиз,  
Билмайман, у кимни, нени излайди...

## МУҲАББАТ

•

Мана, сеңга бир пиёла май:  
Уйқудан ҳам ширин, тотлироқ,  
Ҳали туғилмаган бўсадай,  
Атиргулнинг гунчасидай пок.

Бахт учун деб ол уни қўлга,  
Бахт учун деб симири, қаламқош.  
Афв эт, агар тахирроқ бўлса,  
Томиб кетган бўлса томчи ёш...

\* \* \*

Аёл гўзаллиги—кони мўъжиза:  
Қишини бир зумда қўяр чиқариб  
Тубанликнинг юҳтоб ботқоқлигидан  
Арши аъло каби юксаклик сари.

Аёл гўзаллиги—хатарли савдо:  
Салгина эҳтиёт бўлмасанг агар,  
Уша юксакликдан яна бир зумда  
Уша ботқоқликка ташлаб юборар.



## Қ Ұ Ш И Қ

Мен қўшиққа солдим исмингни бир кун,  
Олиб қочди уни ўткинчи сабо.  
Ўзга қўшиқларда юрибсан бугун,  
Энди қўшиғимни тарк этма, Раъно!

Адашиб кетма деб қўрқаман, ҳай-ҳай,  
Адашур аснодир ахир бу асно.  
Унда ҳолимизга кимлар йиғлагай?..  
Энди қўшиғимни тарк этма, Раъно!

Бир гўзал тун чўкар—айёми висол,  
Чўкар кўзларингга бир бутун само.  
Мен унда адашиб юрай масту лол,  
Энди қўшиғимни тарк этма, Раъно!

Тақдир айрилиқни раво кўрмасин,  
Муҳаббат қолмасин юпун ва гадо,  
Кимдандир бошпана сўраб юрмасин,  
Энди қўшиғимни тарк этма, Раъно!

Кўз ёшидир ўшал заъфарон маржон,  
Сен уни юлдуз деб ўйлама асло.  
Етар бир умрга шунчалар армон,  
Энди қўшиғимни тарк этма, Раъно!

\* \* \*

Сен куласан. Алдайсан кулиб,  
Кулгиларинг барчаси ёлгон.  
Кулганинга йиғлайман тўлиб,  
Йиғим ростдир. Йиғимга ишон.

Сен йиғлайсан. Йиғлайсан тўлиб,  
Йиғинг ростдир. Алдамас асло.  
Энди мен ҳам тураман кулиб,  
Сен кулгимга ишонма аммо...

## РАҚҚОСА

*Дилафрўз Жабборовага*

Рақ. Рақ. Рақ.  
Рақс. Рақс. Рақс.  
Чирпирак. Раққоса чирпирар.  
Чархпалак. Еру кўк чарх урар.  
Ҳар битта ҳужайра рақс этар,  
Эҳтирос, туйғудан баҳс этар.  
Жўштирар томирда қонларни,  
Уйғотар мудраган жонларни.  
Бахш этар борлиққа бир ҳаёт,  
Ҳаётки, безавол, барҳаёт.  
Чирпираб айланар юраклар,  
Тўйинган ва ташна тилаклар.  
Айланар орзу ҳам, армон ҳам,  
Маслак ҳам, эътиқод, имон ҳам.  
Қалбларда уйғонар бир ғунча...  
Рақс этгинг келади ўлгунча.  
Ва бирдан... кўзга ёш тўлади,  
Оламни фарқ этмоқ бўлади...  
Раққоса чирпирар, чарх урар,  
Кўнгиллар тобора барқ урар.  
Бу нигоҳ, эҳтирос, табассум  
Бир тиниқ, бир ёниқ, бир маъсум!  
Ҳар битта ҳужайра рақс этар,  
Азалдан, абаддан баҳс этар.  
Йўғрилиб муҳаббат, зиёга,  
**Шоҳ асар келмоқда дунёга.**

Иўлига тикмасдап ўмрни, '   
Бахш этмай юракни, сурурни,   
Фидолар айламай бу жонни   
**Шоҳ** асар яратмоқ осонми!   
Раққоса! Мен сени топдимми!   
Мен шунда кўраман бахтимни!   
Санъатинг, сеҳрингдан энтикиб,   
Энтикиб, шаънингга шеър битиб,   
Қайтадан ва яна қайтадан   
Ҳамдулар, санолар айтаман.   
Ва яна... бир тилак, изн эт:   
Раққослик расмини бузиб кет—   
Чилдирманг беҳисоб бўлмасин,   
**Умрбод** биттага ўйна сен.

\* \* \*

Маъруфдир, авомдир, оқдир, қорадир,  
Золимдир, зулмдан бағри порадир—  
Учга бўлинади одам миллати.

Биринчи: қоядаги жайрондай сергак,  
Таҳликали меҳр умрига безак,  
Бардоши чўнг қоя она миллати.

Иккинчиси: турган-битгани ғалва.  
Назарида дунё—мисли бир ҳолва,  
Менгзари йўқ подшо—бола миллати.

Яхши, ёмон, ками, ошиғи билан,  
Ҳалол, ҳаром, ёлғон-яшиғи билан—  
Қолган барча одам битта миллатдир.

## МУБОРАККА

Айрилиқ нимадир—тушунмайсан сен,  
Унинг моҳияти сен учун ётдир.  
Айрилиқ—ҳар кунги оддий нафасинг,  
Айрилиқ—сен учун оддий ҳаётдир.

Ахир йўқолмаган ҳеч нарсанг сенинг,  
(Бор бўлса, эҳтимол, йўқотардинг, ҳа!)  
Йўқотар нарсанг-ку, йўқ экан, энди  
Топар нарсанг бўлсин улғайганингда...

## ҚИЗИМГА АТАЛГАН ШЕЪР

Ўн йил сизни йўқотдим,  
Бувижон, ўн йил.  
Ўн йил эди юракни  
Армон тоши—зил...  
Ўн йилки, кўзингизда  
Кулгу эмасман.  
Ундаги меҳр деган  
Туйғу эмасман.  
Осонгина кўникар  
Айрилиққа ким?  
Бувижон, сизни ўн йил  
Ёниб изладим...  
Тақдир етди оҳимга,  
Бахт этди тақдим:  
Ўн йил деганда яна  
Мен сизни топдим.  
Ёшингиз етмиш эмас,  
Атиги ярим...  
Ойша эди исмингиз,  
Энди Марварид.  
Юзингизда дард, ҳижрон  
Кўринмас энди.  
Энди меҳнат, ташвиш ҳам—  
Ҳаммаси—менда.  
Энди сизни бағримдан  
Қўймайман асло.

Меҳр билан суяман,  
Тўймайман асло.  
Армон тоши эрийди  
Кун ўтган сайин.  
Энди сиздан қарзимни  
Узоламан мен..  
Кузда ерга қўмилиб  
Чириса япроқ,  
Қайғули термиламиз  
Биз унга узоқ.  
Баҳорда куртак бўлиб  
Очилгани кез,  
Куздаги ҳолимизни  
Унутамиз биз.  
Яхшиямки, баҳор бор,  
Кун кўрмас завол.  
Баҳор—умр ҳаётга,  
Куртакка—камол.



## МАЙ ШЕЪРИ

Май келди бўй етган қиз каби қулф уриб,  
Димоққа яшиллик бўйини уфуриб.

Қуёшда саховат дам-бадам ошдими,  
Борлиқни ғарқ этар ёғдулар тошқини.

Қирларда яшнайди лолалар чамани,  
Дилларни тарк этар қайғулар тумани.

Мажнунтол новдаси эгилиб камалак,  
Қирққокил қизларжон тақибди жамалак.

Анҳорнинг бўйинда турибди қизалоқ,  
Илк бора висолга уйғонган иштиёқ.

Бу дамлар муқаддас, бу дамлар улуғвор,  
Чеҳралар жилвадор, чеҳралар бахтиёр.

Бу дамлар муқаддас, антиқа бу дамлар,  
Дўстларга мунтазир, меҳрибон одамлар.

Май ахир, май ахир, май ахир дилларда!  
Афсуски, у келар бир йилда бир марта...

## У И

Кеча одамларга лиқ тўла эдинг,  
Кеча файзли эдинг,

Иссиқ,

Чароғон...

...Бугун мунча совуқ,

Жунжикар этим,

Мунча даҳшатлисан,

Мунча зимистон!..

\* \* \*

Мен  
Ўзга юртда—  
Ўз оиламда  
Яшасам,  
Сен  
Ўзга юртда—  
Ўз оиламда  
Яшасанг,  
Мен  
Кечалари ётиб  
Ўз юртимнинг—  
Оиламнинг равнақи,  
Фарзандларим иқболини эмас,  
Сени ўйласам,  
Сен  
Кечалари ётиб  
Ўз юртимнинг—  
Оиламнинг равнақи,  
Фарзандларинг иқболини эмас,  
Мени ўйласанг,  
Мен  
Ўз юртимда  
Мусофирдай яшасам,  
Сен  
Ўз юртимда  
Мусофирдай яшасанг,

Бу қандай кўргилик,  
Қандай жазодир?  
Мен  
Хато қилганимда  
Муҳаббатнинг  
Шу қадар қасоскор эканлигини  
Хаёл қилганмидим?  
Сен  
Хато қилганингда  
Муҳаббатнинг  
Шу қадар қасоскор эканлигини  
Хаёл қилганмидинг?  
Энди кеч,  
Афсуслар жонимга ора кирмайди,  
Энди кеч,  
Афсуслар жонингга ора кирмайди.  
Фақат,  
Биламанки,  
Миллиард йиллардан кейин  
Қайта туғилсам,  
Бу хатони такрорламайман.  
Фақат,  
Биламанки,  
Миллиард йиллардан кейин  
Қайта туғилсанг,  
Бу хатони такрорламайсан.  
Йўқ,  
Афсуски, билмайман,  
Сени...  
билмайман.

\* \* \*

Баҳор ўтди. Сезмай қолдик баҳорлигини,  
Баҳорни баҳордай ўтказолмадик.  
Ёз ҳам ўтди. Сезмай қолдик уни ҳам,  
Ёзни ҳам ёз каби ўтказолмадик.  
Мана—куз. Пойимиз тагида хазонлар.  
Салқиндан танимиз дийдирар.  
Олдинда—қиш. Уни сезмай қолмаймиз.  
Қиш қишлигини албат билдирар.

## ДАЪВАТ

*Аҳрорнинг қулогига*

Ҳамма нарсадан катта ҳақиқат  
Ҳақиқат каттадир ҳамма нарсадан  
Йўқдир ҳақиқатдан ўзга оллоҳ  
Сенинг исминг Аҳрор  
Ҳақиқатнинг қули бўл  
Ҳақиқат жарчиси бўл  
(Ҳақиқатда гап кўп  
Ризқ  
Номус  
Виждон  
Муҳаббат  
Гул  
Нон  
Ҳақиқатда гап кўп  
Ҳамма гап ҳақиқатда)  
Умрнинг сўнгига қадар  
Баланд кўтариб ўтгин  
Ҳақиқат байроғини  
Узун умринг охирида  
Танангни шу байроқ чулғасин  
Ҳақиқат каттадир ҳамма нарсадан

\* \* \*

(Ҳазил)

Жилдлар бор—жимжима, башанг ва нафис  
Жилдлар бор—одмидир коржома қадар.  
Одми жилдга ташлаб беписанд назар,  
Башанг жилд олдида қуллуқ қиламиз.

Асли биламиз: гап жилдда эмас, йўқ,  
Жилднинг ичидаги моҳиятда гап.  
Лекин одми жилдга беписанд қараб,  
Йна башанг жилдга қиламиз қуллуқ.

\* \* \*

Ташқарида қору ёмғир,  
Ичкарида сену мен.  
Юракларда ғалаёндир,  
Суҳбат эса тинч, сокин.

Сўзлашамиз обу ҳаво,  
Нарху наво ҳақида.  
Бағри гоҳ кенг, гоҳ тор маъво—  
Бир кам дунё ҳақида.

Ниманингки, заррача ҳам  
Қиссамизга дахли йўқ—  
Худди ўша мавзу билан  
Суҳбатимиз мағзи тўқ.

Биз ёлғонни заргар каби  
Ишлатамиз авайлаб:  
Дилимизда ўзга гапу  
Тилимизда ўзга гап.

Дерлар: ҳатто бир қатра сув  
Йўқолиб кетмас беиз...  
Кўзларимиз кулади-ю,  
Йиғлар юракларимиз.

Аmmo ортга иккимиз ҳам  
Қайтмагаймиз энди ҳеч.



Қиссамиздан бирон сўз ҳам  
Айтмагаймиз энди ҳеч.

У бир оддий қисса эмас,  
У бир дахлсиз мулкким,  
Унга асло тегиб бўлмас,  
Портлаб кетиши мумкин...

...Юракларда галаёндир,  
Аммо суҳбат тинч, сокин.  
Ташқарида қору ёмғир,  
Ичкарида сену мен.

## МАҲБУБАГА

Бир гўзал лабига қўнса табассум,  
Ўша табассумдан шодон жилмайсам,  
Ўша табассумга қўшиқ атасам,  
«Бахтим қаро экан», дейсан, кулмайсан.

«Кечалар кимнингдир ҳажрида бедор  
Қўшиқлар битасиз дилрабо ва шан,  
Кимгадир муҳаббат қиласиз изҳор,  
«Бахтим қаро экан», дейсан, кулмайсан.

Кимгадир: «Қўлингни қўлимга қўйгил,  
Ташлаб кетма», дейсиз тушда ҳам вайсаб  
«Қайданам мен сизга қўйибман кўнгил,  
Бахтим қаро экан», дейсан, кулмайсан.

Билмайман, ростдан ҳам бахтинг қароми,  
Ё рашкми, бағрингни ўртаган азоб,  
Билмайман, бу савол менга қоронғи,  
Шу тоб беролмайман аниқ бир жавоб.

Тўғри, мен шивирлаб висол боғида  
Бахтиёр қилишга ичганман қасам.  
Ахир ҳосил бўлмас мурод гоҳида,  
Гапга жиндай ёлғон аралашмаса.

Ва лекин мен сени алдаганим йўқ,  
Доим монанд эмас орзуга имкон.

Муҳаббатинг билан юрагим тўлиқ,  
Бахтиёр қилмоқчи бўламан ҳамон.

Кел, эй, нигоҳларинг бу қадар синган!  
Мажруҳ юрагингга таскин бер, таскин.  
Сенинг улушингни муҳаббатимдан  
Асло улашмайман ўзгаларга мен.

Ва лекин худбинлик қилмагин сен ҳам,  
Мени ҳаётимдан жудо этмагин.  
Одамлар шодлиги ва қайғусидан  
Тирикман, биласан ахир, тентагим!

Ажабо... дилгинанг топади озор,  
Завқимни уйғотиб кетса бир малак.  
Кўпларга қўшилиб йиғлаганим бор,  
Ва лекин... бу ҳолда парвойинг фалак.

\* \* \*

(Қўшиқ)

Сув оқади жимир-жимир,  
Ойни қилиб минг танга.  
Кел, жонгинам, ёнимда тур,  
Оро бер, бу чаманга.

Сув оқади ўйнаб-ўйнаб,  
Хаёлимни ўйнатиб.  
Кел, жонгинам, анҳор бўйлаб,  
Сайр этайлик бир латиф!

Сув оқади тошиб-тошиб,  
Ҳисларимни тоширар.  
Кел, жонгинам, суҳбатлашиб  
Кезайлик тонгга қадар.

Сув оқади аста-аста,  
Соғинчим сени излар.  
Кел, жонгинам, кел албатта,  
Етим қолмасин ҳислар.

Сув оқади тўлқин-тўлқин,  
Наъра тортади анҳор.  
Кел, жонгинам, кўнгил мулкин  
Султонига қилма зор.

\* \* \*

Ҳаво бирам булут, хўмрайган бирам,  
Гўё осмон ҳам йўқ, қуёш ҳам йўқдай.  
Аммо эрта бир кун ишқинг зўридан  
Бирор доғ қолмагай мусаффо кўкда.

Сен ҳам хўмрайгайсан, қаҳрли бу дам,  
Гўё қалбинг ҳам йўқ, ишқинг ҳам йўқдай.  
Аммо эрта бир кун ишқинг зўридан  
Қалбинг кўринажак мусаффо кўкдай.

\* \* \*

Бу кеча бир ажиб кечадир,  
Тун қаъри ой нурин ичадир.

Мен сенинг висолинг сўрайман,  
Саболар жимгина кўчадир.

Хаёлинг ягона улфатим,  
Улфатим меҳрибон қучадир.

Қайдандир оқади бир қўшиқ,  
Севгининг қисматин бичадир.

Нозланиб, титраниб тонг отар,  
Юлдузлар бирма-бир ўчадир.

Сукунат тасалли сўзлайди,  
Тилидан шу сўзлар учадир:

Машрабим, бу кеча сен каби  
Васлига етмаган нечадир...

## МАЪРУФ АКАНИНГ ҲАЗИЛИ

Катта ҳовли. Тўй қизиган.  
Карнай-сурнай, ноғора.  
Бу дам ҳар ким ўзи билан  
Ўзи бўлар овора.

Тўйнинг нима—юмуши кўп,  
Ҳар ким югурар ҳар ён.  
Бу дам чиққан авжига хўп,  
Ўйин-кулги, тўполон.

Аҳмад эса бир бурчакда  
Нимагадир йиғлайди.  
Уни кўриб Маъруф ака  
Гапни гапга улайди:

«Устинг-ку, бут, қорнинг ҳам тўқ,  
Бор неъмат сенга насиб.  
Бирор ғамдан хабаринг йўқ,  
Йиғлаганинг нимаси!

Мана, биздан—катталардан  
Ўрнак олгин, болажон.  
Биз не мушкул кунларда ҳам  
Йиғламаймиз ҳеч қачон».

## ЧАПАКЧИЛАР

Савлат тўкиб бошлиқ келар  
Жангда ғолиб полвончалик.  
Аъёнлари кутиб олар  
Чапак чалиб, чапак чалиб.

Тугаганда юмуш куни,  
Келса уйга қайтар гали,  
Кузатарлар яна уни  
Чапак чалиб, чапак чалиб.

Латифадан кулса бошлиқ  
Чапакчилар чапак чалар.  
Ғазабига минса бошлиқ  
Чапакчилар чапак чалар.

Келганида, кетганда ҳам,  
Топилганда, йитганда ҳам,  
Чапак чалар, чапак чалар,  
Чапакчилар чапак чалар.

Азада сўз айтар бошлиқ,  
Ҳатто кўзга ёш ҳам олар.  
Деганича: «Войдод!», «Ҳиқ-ҳиқ!»  
Чапакчилар чапак чалар.

Бошлиқ юклар гарданларга  
Бажарилмас вазифалар.



Қойил қилар даражада  
Чапакчилар чапак чалар.

«Маъқул, аъло!» деса бошлиқ  
Чапакчилар чапак чалар.  
«Урсин бало!» деса бошлиқ  
Чапакчилар чапак чалар.

Келганида, кетганда ҳам,  
Топилганда, йитганда ҳам,  
Чапак чалар, чапак чалар,  
Чапакчилар чапак чалар.

Бошлиқдамас аслида гап,  
Майли, сурсин у кайфини.  
Ҳар қадамда турсак алқаб,  
Айтинг, сизга ёқмайдимиз?

Аъёнликка умрин тиккан  
Чапакчилар устида гап.  
Пайти келди, устларидан  
Кулайлик биз чалиб чапак.

Жонларини олса бошлиқ  
Чапакчилар чапак чалар.  
Бетоб бўлиб қолса бошлиқ  
Чапакчилар чапак чалар.

Пиримиз, деб унга бугун  
Чапакчилар чапак чалар.  
Бошқасига эрта бир кун  
Чапакчилар чапак чалар.

Келганида, кетганда ҳам,  
Топилганда, йитганда ҳам,  
Чапак чалар, чапак чалар,  
Чапакчилар чапак чалар...

# Ю Р А К

---



\* \* \*

Икки сурат:

Бири—

Оламга

Гўдакнинг

Қизиқиши,

Ажабланиши,

Ҳайрати,

Соддалиги,

Табассуми ила боқади.

Бири—

Қатъий,

Сипо,

Улуғвор.

Заҳархандага мойилроқ лаблар—

Юмилган.

Қабоқлар ҳам.

Яна:

Хотиралар, хотиралар...

Ойдин-ойдин,  
Ширин-ширин,  
Аччиқ-аччиқ  
хотиралар...

Яна:  
Бир тоғ,  
Зил тоғ,  
Исми—  
Армон...

Яна:  
Аламнинг мангу чаккаси...

Яна:  
Айрилиқнинг  
Учиб бораётганим  
тубсиз қаъри...

Яна:  
Ҳар дақиқаси  
«Қандай қилсам у шод бўларди?»  
саволига тўла умр...

Шуларни ташлаб кетган менга  
Онам.

\* \* \*

Улчовдан кўпи йўқ дунёда.

Бир мисқол.

Бир ботмон.

Бир олам...

Барини санаб ҳам бўлмайди,

Саноқлар етмайди сонига.

Лекин бир нарса бор дунёда

Ҳеч қандай ўлчовга сиғмайди.

У—она меҳридир.

Оламлар

Жо бўлиб кетадир қатига.

Улчовлар кўпайсин дунёда

Ботмонча,

Оламча...

Дейлик биз.

Энг сўнгги ўлчовга гал келса

Айтайлик:

—Онанинг меҳрича...

\* \* \*

*Ҳамма қабристон гулзор эмас*

Ғаров қамиш, най қамиш,  
Ҳамдамим бўл, ҳой қамиш!  
Ёки сен кўнглингни ёр,  
Ёки мен ёрай, қамиш!

Рангинг тарғил, бошинг хам,  
Қаддинг буккан не алам?  
Дардларини сенга ё  
Сўзларми онагинам?

Илтижо, сўроқмисан,  
Утинч, иштиёқмисан—  
Сени най қилиб чалар  
Машшоққа муштоқмисан?

Мен чаларман... Бўзларсан...  
Утни баттар қўзғарсан.  
Ҳар уҳ тортганимда сен  
Онам дардин сўзларсан...

Бўзларсан... мисли тўрғай...  
Олам оҳингга тўлғай.  
Нафасимнинг ўтидан  
Ёниб кетсанг на бўлғай?

Ҳалқачалар... бесаноқ:  
Қизил, жигаранг ва оқ...

Менинг янги хатларим  
Етгайми унга бироқ?!

Гаров қамиш, ҳой қамш,  
Куйга тўла най қамиш!  
Онамнинг дардларини  
Шамолларга ёй, қамиш!

Уни доим қўриб тур,  
Қулф ур, куйга тўлиб тур.  
Онагинам бошида  
Унинг тили бўлиб тур.

\* \* \*

Она-бола ёлғиз уйда,  
Тинмай йиғлар чақалоқ.  
Она кўкрак тутар унга,  
Бола кўнмайди бироқ.

Бола йиғлар, сира тинмас,  
Ўксиб йиғлар, энтикар.  
Сабабини она билмас,  
Хуноби ошиб кетар.

—Мана, сенга бўлмаса!—деб  
Тортар унга шапалоқ.  
Сутга кўнмай, шапалоқ еб  
Кўнармиди чақалоқ!

—Қилдинг,—дейди,—жуда безор,  
Дардинг нима, айт қани!  
Боласининг дарди-ку, бор,  
Тили йўқ-да, айтгани!

Йиғлармиди бекорга у  
Бўлмаса бирон дарди.  
Қиқир-қиқир ўйнарди-ку,  
Шапалоқ еб нетарди?

Балки тутар сутдан бўлак  
Ичманингдир хумори.

Балки унга алла керак  
Орзу каби зангори.

Балки бўйиши толлб кетган,  
Бошқа болиш керакдир.  
Балки уни беланчакдан  
Ечиб олиш керакдир.

Мен билмайман нега йиғлар,  
Сиз ҳам билмайсиз уни.  
Елғизгина она билар  
Боласининг дардини.

Аммо уни она десам...  
Жуда нўноқ бечора.  
Биттагина болани ҳам  
Овутолмай овора.



## ПАХТАМ

(Қўшиқ)

Оқ пахта, оппоқ пахта, олтин пахта,  
Кел, бугун қўшиқ бўла қолгин, пахта.

Сен менга оддийгина олтин эмас,  
Сен менинг юрагимга ёлқин, пахта!

Сен менинг манглай терим, келки бугун  
Манглайимда бахт бўлиб балққин, пахта!

Сен деса хаёлимда, юрагимда  
Нонини ҳалол еган халқим, пахта!

Сен билан ўзбек эту тирноқ мисол,  
Ўзгача мумкин эмас талқин, пахта!

Сен унинг қалби бўлиб оқсан бугун,  
Кел, унинг қадди бўлиб қалққин, пахта!

Оқ пахта, оппоқ пахта, олтин пахта,  
Манглайимда бахт бўлиб балққин, пахта!

## ПАХТА

Пахта деса, кўз олдинга келади ўзбек,  
Ўзбек деса, кенг пахтазор бўлар намоён.

Гафур Гулом

Ўзбекнинг юрагидай  
Оппоқсан, очилгансан,  
Ўзбекнинг юрагидай  
Турибсан кафт—чаноқда.  
Ўзбекнинг юрагидай  
Тошиқсан, сочилгансан,  
Ҳисобинг олай десам  
Сон етмайди саноққа.

Мен-ку, салқин йўлакда  
Сайр қилиб юрибман,  
Қизлардай эркаланиб  
Гуллар тўсар йўлимни.  
Лекин мен гуллар оша  
Сени кўриб турибман,  
Қаршимдаги гуллармас,  
Сен тортасан дилимни.

Менинг-ку, атрофимда  
Бетондан ихота бор,  
Дахл қилолмас асло  
На иссиғу на совуқ.  
Кўз олдимда эса—сен,  
Муштипару беозор.  
Иссиқ-совугинг ўйлаб  
Ўйқумда ҳаловат йўқ.

Не-не сафарбарлигу  
Не жангларни биламан.  
(Озми-кўпми, ҳар қалай  
Тарихдан хабарим бор.)  
Лекин, пахта, сен учун  
Бу сафарбарлик билан  
Бундай фидокорликнинг  
Таърифи душвор, душвор...

Буни муаммо қилиб  
Қўймаяпман олдимга,  
Бу гаплар сира-сира  
Жавобсиз савол эмас.  
Бу гаплар нафас каби,  
Нон сингари оддий гап,  
Уни англаб олмоқ ҳам  
Осондир, маҳол эмас.

Ўзим шаҳарда яшаб,  
Қишлоқни соғинаман,  
Соғинаман тўпори  
Ҳамқишлоқларимни ҳам.  
Ахир, халқ, Ватан деган  
Тушунчаларни қачон,  
Ким туфайли ва қайда  
Идрок қилади одам?

Сен эса шу фидойи  
Халқимнинг сўзлар сўзи,  
Унинг аҳди, қарори,  
Ҳақиқати, эркисан,  
Унинг адл қомати,  
Вафоси, оппоқ юзи,  
Ватанимнинг байроғи,  
Ватанимнинг гербисан.

Дерларки, ҳамма нарса  
Соҳибига ўхшагай.  
Халқимга ўхшамасанг  
Оппоқ бўлмасдинг сен ҳам.  
Шундай экан, мен сени  
Соғинмасдан на қилай,  
На қилай хаёлимда  
Доим ардоқламасам?!

Ўзбекнинг пахтасми,  
Ўзбекдирсан ўзинг ҳам.  
«Марҳабол!» деб юрагинг  
Доим кафтингда турар.  
Айт, қандай тирик юрай,  
Эй, она халқим—пахтам,  
Ҳар нафасимда сени  
Ўйламасам мен агар!?

## ДЕҲҚОН

*Ҳамсинф дўстим, «Ўзбекистон беш йиллиги» номли совхоз механизатори, КПСС XXIV съезди делегати, Ленин ордени кавалери Абдусаттор Сулаймоновга*

### I

Ҳали баҳор уйқудадир, кўзларини очмаган,  
Олам узра турфа-турфа рангларини сочмаган.  
У кўринмас на чучмома, на ўрикнинг гулида,  
Қўшиқ бўлиб янграмайди қалдирғочнинг тилида.  
Эндигина кўтарилар ердан қишнинг ҳовури,  
Қулоқларни батанг қилмас ҳали меҳнат ғовури.  
Лекин биров лойга ботиб, далани кезиб юрар,  
Хаёлида сон-саноқсиз режалар чизиб юрар.  
Ўйга тўла нигоҳида уфқлар акс этади,  
Юрагида ташвиш билан ҳаяжон баҳс этади.  
Ер—тириклик ташвишлари толиқтирган она-ю,  
Мудроқ босган онасининг қошида парвона у.  
Лорсиллаган шудгордаги чизиқ борки, меҳнатдир,  
Унга она юзидаги ажинлардай қимматдир.  
У онадан илтижоли кўзларини узмайди,  
Эртаги кун берадиган инъомини кўзлайди...  
Ҳали баҳор ухлаб ётган бўлса қишнинг мулкида,  
Ҳали бўлса дала-ю, дашт изғириннинг ҳукмида,  
Бу серташвиш, бу безовта одам кимдир, қай жондир?  
Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

### II

Анча бўлди борлиқ узра оқшом чўкканига ҳам,  
Энди бир оз яйраб, эркин нафас олади одам.

(Гарчи қуёш борлиқ учун, ҳаёт учун нафасдир,  
Ёғиб турган оташига чидаш осон эмасдир.)  
Бу маҳалда телевизор кўриб бўлиб сизу биз  
Ширин тушлар оғушида ухлаб ётган бўламиз.  
У эгатлар орасида сув стаклаб юради,  
Ғўзасининг иқболига боғлиқ ўйлар суради.  
Ғўза инжиқ, табнати боланикидай бўлар,  
Бола қандай ўсишини бола ўстирган билар.  
Иссиғидан, совуғидан хавотирда, бетоқат,  
На кўнгилда бир ором бор, на уйқуда ҳаловат.  
Ғўза унинг энг арзанда фарзандидан арзанда,  
Ғўза унинг бош фарзанди ҳам энг кенжа фарзанди.  
Фикру ўйин эгаллаган фақат ғўза ташвиши,  
Ғўза борки, йўқдир унинг бўлак нарсада иши.  
Ҳоким бўлса борлиққа тун салтанати ушбу дам,  
Бола каби ётган бўлса маст уйқусида олам,  
Бу—ҳордиғу жон қадрини билмаган ким, қай жондир?  
Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

### III

Қуз кезади далаларда, қўнғиртобдир бўёқлар,  
Етиб келди мана энди сарҳисоб қилар чоқлар.  
Ўйлар каби учиб юрар сарҳисобнинг мезони,  
Битта-битта узилади дарахтларнинг хазони.  
Бу фаслга осойишта мудроқ сукунат хосдир,  
Лескин сокин мудрамоқнинг пайти эмасдир ҳозир.  
Уфққача оппоқ бўлиб пахта очилиб ётар,  
Унинг умри, машаққатли бахти сочилиб ётар.  
У пахтани мисқол-мисқол териб олмоғи лозим,  
У бахтнини эл-юртига ҳады қилмоғи лозим.  
Шунинг учун тиним билмас, шамол каби сарсари,  
Шпинделлар шилиб кетган ғўзапоя сиигари  
Соқоллари ўсиб кетган шиддатли юзларида,

Юрагининг чўғи ёнар киртайган кўзларида.  
Шижоатга айлангандир бутун вужуди бу дам,  
Унинг кўксин нишон қилар осмондаги юлдуз ҳам.  
Бахти ўша юлдуз каби кулсин, донм бўлсин ёр...  
Энди уни ким эди, деб сўрамасиз сиз зинҳор:  
Оддийгина ўзбекдир у, оддийгина инсондир,  
Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

## ЎЗБЕКИСТОН

*(Изҳори дил)*

Ошиқлар бор ишқ йўлига жонини тиккан,  
Қайс,—деймиз, Фарҳод, Тоҳир, Алпомиш, Қарам...  
Бошқа ҳамма ғалатироқ туюлар экан,  
Афсоналар бу номлардан сўз бошлаган дам.

Лекин наҳот, мантиқ ҳаққи, адолат ҳаққи,  
Бир ошиқни туққан бўлса бир неча аср?!  
Бу табаррук исмларнинг ҳар бири, балки,  
Миллионлаб ошиқлардан бир хотирадир?

Ўзбекистон, она-Ватан, дардингни олай,  
Оз эмасдир сенинг учун фидо бўлган жон.  
Лекин улар—сенга фидо бўлмоқ учун шай  
Миллионлаб фарзандингдан саноқли нишон.

Олам узра кезиб юрар доврўғинг ҳозир,  
Номи машҳур фарзандларинг қиласан эъзоз.  
Лекин улар—довруғингни ёймоққа қодир  
Миллионлар денгизидан бир томчи, холос.

Мен ишқимни қилмасам ҳам ошкора баён,  
«Жоним фидо!» деб кўксимга муштламасам ҳам,  
Ўзбекистон, она-Ватан, сўзимга ишон,  
Фарзандингман, фарзандингман ҳар қачон, ҳар он.

Ҳаётингда бош қаҳрамон эмасман, лекин  
Йўқ ҳам эмас, мен оммавий саҳнада борман.



Гар саноқда бўлмасам ҳам сонда борман мен,  
Сенга фидо миллионлар сафида борман.

Бошим узра ҳилпираган байроқдир номинг,  
Бир умрга ўтгум баланд кўтариб уни.  
Шу байроқдир менинг умрим, менинг имоним,  
Уни омон, пок сақламоқ—умрим мазмуни.

Шу байроқдан ўзга йўқдир муқаддас нарсам,  
Шу байроқдан ўзга нарса эмасдир ҳавас.  
Ўлганда ҳам шу байроқнинг тагида ўлсам,  
Ўлганда ҳам шу байроқ деб ўла олсам—бас!

Ўзбекистон, она-Ватан, дардингни олай!  
Билмасанг ҳам Машраб киму юмуши надир,  
У ҳам сенга жонни фидо қилмоқ учун шай  
Саноқда йўқ миллионлар қаторидадир.

## ХАЁЛЛАР

Ер тагини пармалаб, ер устида юрамиз,  
Чўл кўксини, кўк бағрини қиламиз тилка-тилка.  
Саҳрода кўл яратиб, кўлда шаҳар қурамиз,  
Қудратимиз ишончи қувват беради дилга.

Ўз кучини ҳис қилмоқ билан кучлидир одам,  
Нимага уринмасин, шу ҳис удда қилади.  
Хаёллар оқимида оққинг келади бир дам,  
Бир дам олам хаёлдан иборат туюлади.

...Чор теварак пахтазор, чеки йўқ, поённи йўқ,  
Ғўзалар қўл ушлашиб йўл олган уфқ томон.  
Агарчи, йўлларини тўсмаса бирор тўсиқ,  
Ер куррасини айланиб, қайтиб келар бегумон.

«Пахта!» деймиз энтиқиб, қон югурар баданда,  
Юрак ҳапқириб кетар, ҳаяжонга тўлади.  
Ғўзадан ўзга нарса кўринмайди бу дамда,  
Бу дамда бутун олам пахтазор туюлади.

Саратон оташида сароб қайнаган кезлар  
Уриб кетгинг келади салқингина ётоққа.  
Шу оташнинг тигида ғўза чопади қизлар,  
Оғирлиги ўзидай кирза этик оёқда.

Уларнинг манглайида қалққан ҳар бир инжудан  
Бизнинг юраклардан ҳам тер сели қуйилади.  
Улардан бошқа одам кўринмас кўзга бу дам,  
Бу дам одам зоти бор—пахтакор туюлади.

Кўрқини кўз-кўз қилиб, бир боғ яшнаб турибди,  
Алишмайсан мени деб у дунё жаннатига.  
Ранги шундай қуюқки, ранги шундай тиниқки,  
Сингиб кетгинг келади барглариинг қатига.

Бу тиниқлик олдида ҳар қанақа губор ҳам  
Тонг пайтида тун каби дарҳол унут бўлади.  
Бахт барқарордек бўлиб туюлади ушбу дам,  
Ушбу дам барча одам бахтиёр туюлади.

Бир қизалоқ почтага қатнайди кунда-кунда,  
Аскар йигит посилка қилар унга қалбини.  
Шу кунларда муҳаббат деган ноёб тушунча  
Ҳаётининг мазмуни, юрагининг ёлқини:

Эрининг ўлимига сабаб бўлган хотинлар  
Шу қизалоқни кўргач, албат унут бўлади.  
Дунёда аёл зоти борки—беозор, дилбар,  
Муҳаббатига содиқ, вафодор туюлади.

Осмон мовий, мусаффо, бир мулойим сукунат,  
Чоллар ўтмишдан туриб келажакка мўралар.  
Кампиршолар гурбанглаб, ўз юмуши ила банд,  
Олам билан иши йўқ, ўйин қураб болалар.

Имон келтиргинг келар шу осойишта дамга,  
Шу дамни мангуликка айлантиргинг келади.  
Босқинчи ва зўравон йўқдай бутун оламда,  
Эрк аталган ҳақиқат барқарор туюлади...

...Ер тагини пармалаб, ер устида юрамиз,  
Чўл кўксин, кўк бағрини қиламиз тилка-тилка.  
Саҳрода кўл яратиб, кўлда шаҳар қурамиз,  
Қудратимиз ишончи қувват беради дилга.

Ўз кучини ҳис қилмоқ билан кучлидир одам,  
Бу ҳис сўнгсиз хаёллар учун туртки бўлади.  
Борлиқ билан хаёллар қоришиб кетар бу дам,  
Бир дам борлиқ хаёлдан иборат туюлади.

\* \* \*

*Уғлим Анварга*

Мен нону насиба деб, йироқларда юардим,  
Гоҳо хитоб, гоҳида сўроқларда юардим,  
Оҳанг излаб қофия, туроқларда юардим.

Дунё қизиқ: қайдадир қизиган бозор эди,  
Қайдадир бўёқларда чўмилган баҳор эди,  
Қайдадир... умидини йўқотган бемор эди.

Кураш дея анланар эди ҳаёт деган сўз,  
Кураш демак—ё бунёд, ёки барбод деган сўз,  
Уртада—гоҳ жиғилдон, гоҳ эътиқод деган сўз..

Ушбу тасвирда эдик сен дунёга келган он,  
Ушбу тасвирни сенга этмоқдаман армуғон,  
Уни мукаммал этмоқ—сенинг бурчинг, болажон...

## СИРОЖИДДИН ВАЛИЕВ БИЛАН ТАНИШУВ

Тасаввур ғалати нарса жуда ҳам,  
Измингизни қўлдан олдими бир дам,  
Бир томчи уммондир, уммон—бир томчи...  
Унга алдангани алданган одам.

Мен сизни менгзардим тогдек кишига,  
Буралган мўйловни шопдек кишига,  
Одам қўрқар дердим кирса тушига,  
Сизни эртақларда кўрардим, укам.

Сизга қаҳру ғазаб сифат, дер эдим,  
Кўзларингиз тўла ваҳшат, дер эдим,  
Турган-битганингиз даҳшат, дер эдим,  
Сизга қора либос бичгандим, укам.

Ёшингизни ҳатто отамга тенглаб,  
Ё ўзим кўрмаган акамга тенглаб,  
Ҳар ҳолда катта бир одамга тенглаб,  
Сиздан ҳайиқардим ҳам бир оз, укам...

Тасаввурим экан бир туш мисоли,  
Мана, учди-кетди бир қуш мисоли,  
Энди ўлтирибман беҳуш мисоли,  
Сизнинг суратингиз олдида, укам.

Тоғ эмас, пойида бир нозик ниҳол,  
Саболарга улаб минг турли хаёл,

Саболардан сўраб мнинг турли савол,  
Жавобига муштоқ экансиз, укам.

Хуснигиз бир юртга татиб этгулик,  
Қизлар ҳаловатин барбод этгулик,  
Сўнгра тушларини обод этгулик,  
Офатижон ёшда экансиз, укам.

Қаҳрли важоҳат, шоп мўйлов қани?!  
Қўраман лаб узра барра майсани.  
Бир ширин, бир гўзал сухан айтгани  
Баҳмал нигоҳ билан турибсиз, укам.

Одам ҳаётдан нимадир қарздор,  
Нимадир иш қилиб кетмоғи фарздор,  
Шундагина умри умрга арздор,  
Ҳаммага тегишли бу савол, укам.

Бўлмайдми умрининг қисқа, узун,  
Тополмайсиз гоҳо юз йил изини.  
Умри ўлчайдми унинг мазмуни,  
Умрингизга ўлчов—жасорат, укам.

Ҳали ишқ гулшанин кезибми-кезмай,  
Ундан бирон ғунча узибми-узмай,  
Ҳали бўса тотин сезибми-сезмай,  
Жасорат сари юз бурдингиз, укам.

Тенгдошларингизга кўз тушганда гоҳ,  
Интилишларидан бўлганда огоҳ,  
Сизга орзиқади юрагим ногоҳ,  
Шунда сизни қўмсаб йиғлайман, укам.

Ҳаётдан уздингиз қарзингизни сиз,  
Лекин бизни қарздор этиб кетдингиз.  
Узолармиканмиз қарзимизни биз,  
Шунга арзирмикан умримиз, укам?

Бир зум тиңчилик бермас бу савол асло,  
Ўзимизга қўйиб ортиқча бино,  
Шухратнинг кетидан қувамиз гоҳо...  
Сиздан уяламан кўпичча, укам.

Одамнинг юлдузи бўлармиш кўкда,  
Жасорат юлдузи—гоҳо кўкракда.  
Сизнинг юлдузингиз бизнинг юракда,  
У бугун бизнинг ҳам юлдуздир, укам.

Сиздан ўшим улуғ гар икки чандон,  
Ҳаётингиз менга бўлғуси мезон.  
Сизга қараб яшай мен бундан буён,  
Сиз меннинг юлдузим бўлгайсиз, укам...

## МИРЗО УЛУҒБЕК МОНОЛОГИ

*Шукур Бурҳон ижросида*

«Мен—Улуғбек Мирзодурман, Шоҳруҳнинг ўғли,  
Жаҳонгирнинг набираси, замон султони».  
Эгам фалак ҳавасини кўнглимга солиб,  
Ер ташвишини осиб қўйди икки елкамга.  
Орзу каби юлдузларга талпинар юрак,  
Оёғидан тортар лекин ернинг ғамлари.  
О, бу ғамлар, ҳар қандайин уқпар қанотни  
Қодирдирлар айлантормоқ учун темирга!  
Авлодларим, болаларим, набираларим,  
Зинҳор мени қўрқоқликда айбламагайсиз.  
Токи ният эмас эди ташвишдан қочмоқ,  
Токи ният эмас эди ғамсиз яшамоқ.  
Ташвишларсиз даврон сурмоқ бўлсайди ният,  
Унда менинг султонлигим қайга борарди!  
Менинг икки мамлакатим бор эди асли,  
Бири—ерда, бири—чексиз само қўйнида.  
Менга тобе фуқаро ҳам икки хил эди:  
Бирин инсон дер эдилар, бирини—юлдуз.  
Гар кўнглимнинг ярмисини фалакка бердим,  
Бундан мурод—узмоқ эмас ердан оёқни,  
Мен ердаги фуқаромни кўкка кўтариб,  
Юлдузларни тақмоқчийдим пешанасига.  
Одам зоти эл бўлмайин одам зотига,  
Нафс—ҳокими мутлақ бўлган ушбу замонда  
Ўз ҳолингга қўярмиди лекин одамлар!  
На севгани қўяр улар, на севилгани.



Туйғуларни майса каби тепиб, топтарлар,  
Эзгуликни куйдирарлар риё ўтида!  
«Одамларга юрагимдан ҳарорат бериб,  
Эвазига олдим фақат совуқ ғаразлар».  
Фуқаромни якдил кўрмоқ иштиёқида  
Салкам эллик йил жонимни жабборга бердим.  
Лекин, афсус, завол топди қилган меҳнатим,  
Лекин, афсус, кўролмадим орзум мевасини.  
Номусини, имконини, гар керак бўлса  
Отасини тикканлар бор салтанат учун.  
Ушалар бор—ҳосил бўлмай қолди муродим,  
Ушалар бор—бундан сўнг ҳам шундай бўлади..  
...Мен ҳар қалай бор умримни яшаб кечирдим,  
Мадрасалар қолди мендан, қолди жадваллар,  
Ойим қолди—бут бўлмаган кўнглим тимсоли,  
Юлдузларим—ҳасратларим қолдилар мендан.  
Бари қолди. Мендан қолди. Мендан хостира.  
Изим бўлиб. Яшаганим гувоҳи бўлиб.  
Бари қолди. Битта юпанч олиб кетдим мен:  
Ҳали замон, замон ўтиб, келар бир замон,  
Ҳоқим бўлар, мутлақ ҳоқим бўлар адолат.  
У замонда армонларим тарқалар менинг.  
Авлодларим, болаларим, набираларим,  
Менинг кемтик муродимни бутун қилғайлар.  
Қўлларини кўкка чўзиб, мева тергандай  
Юлдуз териб улашарлар ҳар бир инсонга.  
Ва зимистон юракларнинг коваклари ҳам  
Ойдинлашар қўйиндаги юлдуз нуридан.  
Бу юпанчим—сўнгги орзум, абадий орзум.  
Ушалмоғи сизга боғлиқ, набираларим..

Мен—Улуғбек Мирзодурман..

## ВАТАНИМ

Қизим  
Еноғини ёноғимга,  
Лабларини лабларимга босади.  
Вужудимга сингигандай,  
Йўқ бўлиб кетади бағримда.  
Угилларим ҳам бор менинг.  
Лекин ҳаммасидан ҳам  
Қизимга кўпроқ меҳр қўйганман.  
Сенга қизимдай меҳр қўйганман, Ватаним!  
Сени қизимдай бағримга босгим келади.

Онам мени  
Кўп урар эди раҳматлик.  
Отам эса,  
Бир шапалоқ ҳам урмаган умримда.  
Лекин мен онамни кўпроқ яхши кўрардим.  
Унинг бағрида,  
Иссиқ бағрида,  
Йўқ бўлиб кетгим келарди.  
Сени онамдай яхши кўраман, Ватаним!  
Бағрингда йўқ бўлиб кетгудай  
Ёстангим келади.

Мен бир қизни севардим,  
Қизки—оламда танҳо!  
(Бундан ортиқ баҳо бўларми!)

У бошқага тегнб кетди.  
(Одатдагидек!)  
Мен унинг ортидан йиглаб юрдим,  
Қон-қон,  
Девона бўлиб.  
Сени шу қиздай севаман, Ватаним!  
Ортингдан эргашиб юргим келади.

Кўрдннгми,  
Мен сени  
Ҳар қандай эркак зотининг  
Ҳар қандай аёл зотини  
Севганидай севаман.

Чунки сен  
Аёлдай ширин,  
Аёлдай гўзал,  
Аёлдай муштипар,  
Аёлдай муниссан,  
Аёлдай хоксор.  
Сен—онасан.

Сен мени  
Гоҳ суйиб,  
Гоҳ уриб  
Улғайтдинг.  
Сен менинг бахтимни тилайсан.  
Мен сенинг ороминг,  
Дахлсизлигингга посбонман умрим бўйи.  
Мен умримни шунга тикканман.

Мен сени  
Онамни тепкилардан асрагандай,  
Севгилимни хиёнатлардан асрагандай,  
Қизимни шабадалардан асрагандай,  
Асрагум, Ватаним!

Онам менга қанчалар шеър берган!

Севгилим менга қанчалар шеър берган!  
Қизим менга қанчалар шеър берган!  
Сен менга қанчалар шеър бергансан!

Сен—қизимсан,  
Сен—севгилимсан,  
Сен—онамсан,  
Ватаним!

\* \* \*

Йўлларга термилиб фикр толади,  
Йўлларга термилиб хўрсинар одам.  
Уларнинг тақдири жуда ғалати,  
Ғалати уларнинг табиати ҳам.

Йиллаб югуради чарчамай улар,  
Йиллаб югуради эркинлик сари.  
Қашқа ясовуллар кеккайиб турар,  
Қашқа ясовуллар тўсар йўлларин.

Қашқа ясовуллар измида юриб  
Шаҳарларга кириб қолади йўллар.  
Энди-чи, деворлар сиқувини еб  
Тинкаси қурийди, толади йўллар.

Умид чорлар яна уларни тинмай,  
Йўллар умидининг кетидан чопар.  
Аммо яна қашқа ясовуллар шай,  
Истиқболда эса яна бир шаҳар.

Ясовуллар кўзин шамғалат қилиб  
Гоҳо қочиб қолар эпчилроқларин.  
Эркинлик дамларин ғанимат билиб  
Йўл олар тоғлару саҳролар сари.

Тоққа югурмоқда биттаси, ана,  
Аммо у ерда ҳам билмайди тиним.

Тоғни ошиб пастга югурар яна  
(Ғалати дедим-ку, табиатини).

Келиб ясовулла қуршовидаги  
Йўллардан сўрайди: «Йўл бўлсин сизга?»  
Улар жавоб берар: «Эркинлик сарин»,  
Шўрлик яна тушиб қолар ҳибсга.

Йўлларнинг тақдирини жуда ғалати,  
Ғалати уларнинг табиати ҳам.  
Уларга термилиб фикр толади,  
Уларга термилиб хўрсинар одам.

## ОТАМГА ХАТ

Самарқанд область, Поӣарик  
район, Қозоқхўжа қишлоғи.

10. 1. 1976

Меҳримиз қуёшидан бўлсин доим чароғон  
Ҳувиллаган бағрингиз, ҳувиллаган хонадон.  
Орамизда чўзилган узоқ масофа оша  
Ётмиш беш ёшингизда сизга таъзим, отажон!

Йиғлаб-сиқтаб, қирқ ёшда топган ўғлингизман мен,  
Иштончан, тупроқ йўлда чопган ўғлингизман мен.  
Иссиққина кулбани тарк этганча, ўзини  
Ҳаёт долғаларига отган ўғлингизман мен.

Мана, бу кун йироқда, довондан ошганда тун,  
Ҳаёт деган ғавғодан бир нафасга олиб тин,  
Сизнинг ҳузурингизга кузатиб хаёлларни,  
Умрни қайта бошдан яшаб чиқаман бутун.

Дардчилликданми, бир оз тундроқ ва асабийроқ,  
Ҳазил, эркалалардан эдингиз анча йироқ.  
Не бўлса ҳам, болалик шовқин-суронларисиз,  
Сиздан бир оз ҳайиқиб, ўсмадик ўйинқароқ.

Бизни-ку, одам кўриш ниятингиз ҳақиқат,  
Лекин илми одобдан қилмасдингиз насиҳат.  
Ҳар замонда айтилган битта-ярим сўзингиз  
Тақиб бўларди фақат, тақиб бўларди фақат.

Одамнинг табиати лекин жуда ғалати,  
У доим тақиқланган нарсага ўч бўлади.

Ичма, дедингиз—ичдим, чекма, дедингиз—чекдим,  
Кетма, дедингиз—қалбни саёқлик қутқулади.

Бу гаплар кўнглингизга солмасин асло малол,  
Санъатингиз олдида турибман ҳайратда лол.  
Яхши ҳамки, бошқа гап айтмагансиз, отажон,  
Барчасининг аксини қилармидим эҳтимол...

Гарчи ўзим ҳақимда гапиришим номақбул,  
Сизга таскин тарзида айтадиган гапим шул:  
Ташвиш чекманг, отажон, ким бўлдийкин, деб мени,  
Сиз ким бўлсангиз—шуман, ўзингизман мен буткул.

Дейдилар: қуш қилади индида кўрганини,  
Ким кўрган от изидан той айри юрганини!  
Минг эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал,  
Сизга қараб ўргандик одамийлик фанини.

Бу кун юрибман мана, узоқ томонларда мен,  
Гоҳо чархпалак бўлиб шиддат, суронларда мен,  
Лекин икки нарса ёт: аросату хиёнат,  
Сиздан далда оламан энг қийин онларда мен.

Ҳаловат излаш ҳисси мендан жуда йироқдир.  
Ҳаёт дегани кўпроқ висол эмас, фироқдир.  
Мудроқда ўтмайди-ку, умр дегани ахир,  
Балки шунинг учун у бошқача, тотлироқдир.

Ватан чамандай яшнаб турсин мангулик қадар,  
Номард бўлай мен ундан жонин аясам агар!  
Фақат иқбол юлдузи бевафолик қилмасин,  
Ўғлингизга, отажон, омад тиланг ҳар саҳар.

Меҳримиз қуёшидан бўлсин доим чароғон  
Ҳувиллаган бағрингиз, ҳувиллаган хонадон.



Орамизда чўзилган узоқ масофа оша  
Етмиш беш ёшингизда сизга таъзим, отажон!

Бир дам юрагингизни фироқ қўймасин ғашлаб,  
Бир дам қаро хаёллар кетмасин сизни бошлаб.  
Бахтимиз учун узоқ йиллар саломат бўлинг,  
Сизга хушвақтлик тилаб, содиқ ўғлингиз: Машраб.

\* \* \*

Осмон тиниқлашиб, баландлашиб кетган,  
Ўспириннинг шайдо юраги мисол.  
Мен ҳам бугун ўн саккизга кирган йигитман,  
Орзуларим, келажагим ҳали безавол.

Қиш ғурбати, рутубати бу кун—бадарға,  
Дарддан турган каби ҳорғин жилмаяр қуёш.  
Қўкатлар ҳам чиқиб қопти, мана, бозорга,  
Қизлар чиқиб қопти... гулгун ва қийғоч.

Тор сийнага сиғмагандай беором юрак,  
Шаҳарга ҳам сиғмай қолар киши, бесабр.  
Кўнгил қургур кенгликларга кетади судраб,  
Кенгликлар ўз номи билан кенгликдир ахир.

Лолаларнинг тўлқинига тўшингни уриб,  
Ёғдуларнинг тошқинида фарқ бўлгинг келар.  
Аввал беғам бола каби шодон қийқириб,  
Сўнгра эса, кўз ёшингга эрк бергинг келар.

Тракторлар суронини қўшиқдай тинглаб,  
Бахт гарови—чигитини қўндирар деҳқон.  
Ёнилғи ва тупроқ ҳидин тўйгунча ҳидлаб,  
Бир дам деҳқон қўлтигига кирмоқдир армон.

Ҳали ихлос қайтмай туриб муҳаббатдан,  
Севсанг-ёнсанг, галдир бўлсанг, телба бўлсанг.

Шамол бўлиб, мудроқ босган, ухлаб ётган  
Туйғуларга қанот берсанг, учар қилсанг.

Истакларнинг тошқини хўп бениҳоядир,  
Йўлларида не учраса олиб кетар ул.  
Баҳор ахир, баҳор ахир, баҳор ахир,  
Нималарни истамайди телба кўнгил..

Осмон тиниқлашиб, баландлашиб кетган...

\* \* \*

Уйноқлайди шамол,  
Елади шамол.  
Қалбга тўлқин солар унинг қўшиғи,  
Атиргул гунчаси кўрсатади жамол,  
Емғир томчисига тутиб тўшини...  
Анҳор шовиллайди телбаланиб,  
жўшиб,  
—Кел, ўртоқ,  
Куйимга қулоқ сол!—дея.  
Сукунатнинг ўзи—  
Ажойиб бир қўшиқ,  
Назаримда  
Оқшом—  
Улкан симфония...  
...Тонг кўзини очиб,  
Жилмаяди нафис,  
Уфқ узра ёйиб зарҳал ҳошнясин...  
Ҳар тонгни уйқудан шундай уйғотамиз,  
Мен—  
Ва оқшом симфонияси...

\* \* \*

Биз одамлар—  
Атомлармиз асли,  
Кашфиётлар ичра нодир кашфиёт.  
Йигирманчи—

Асабий аср

Қайфияти бизга кайфият.  
Ернинг умид кўзи бизга қадалган,  
—Мени ўлдирманг!—деб

қилар илтижо.

Портлашимиз мумкин ҳар бир қадамда,  
Тўқнашиб кетишдан асрасин худо..

## ЮРАК

*Руфъат Рисқиевга*

Мен асли қўлга шеър битишим керак...

Қорачиғимизда—олис Гавана,  
Кўксимиз—ринг.  
Асаб системамиз—  
Юксак вольтли электр тармоғи.  
Симлар-ку, салқиндан таранглашади,  
Асабимиз симлари эса—  
Юксак ҳароратдан таранг.  
Шу қадар тарангки,  
Салгина хатога йўл қўйилса бас—  
Қатта ёнғин чиқиб кетади.

Мен асли қўлга шеър битишим керак...

Кўксимиз—ринг.  
Рингда жанг борар.  
Жанг қуроли—мушт.  
Лекин мушт муштдай бўлмаса:  
Бош бармоқда новокаин;  
Ўрта бармоқда новокаин;  
Холис бармоқда...  
Чимчалоқда...  
Энди бунинг аҳамияти йўқ...  
Мушт—мушт эмас,

Поролон қўлқоп бўлса..  
Унда нима билан жанг қиллинади?

Мен асли қўлга шеър битишим керак..  
Лекин қўлда соғлом мушт бўлмаса,  
Нима билан жанг қилади боксчи?  
Нима билан енгади рақибни?  
Нима билан?

Мен асли қўлга шеър битишим керак...

Лекин ана..  
Муштдайгина бир нарса жанг қилмоқда,  
Шу муштдайгина нарса туфайли  
Поролондай думшоқ мушт  
Чўқморга айланган.  
Шу муштдайгина нарса туфайли  
Жангда қуролсиз голиб чиқди боксчи.  
Шу муштдайгина нарса  
Олиб чиқди уни  
Шоҳсупанинг голиблик поғонасига.

Шу муштдайгина нарса  
Саккиз миллионлик халқнинг ваколоти.  
Исми—Юрак.

Мен гарчи қўлга шеър битишим керак  
Бармоқ вазнида,  
Қофияли.  
Лекин юракка шеър битяпман.  
Сабабини айтдим,  
Биласиз.  
Юрак эса,  
Рингнинг арқонлари каби  
Вазн,  
Қофия сингари

Тўсиқларга сиғмайди асло.

Мен гарчи қўлга шеър битишим керак,

Лекин юракка атадим шеърин.

Чунки асосий гап—юракда.

Чунки ҳамма гап—юракда.

На қўлда,

На оёқда,

На бошқа аъзо,

На бирор вазиятда.

Фақат юракда!

Юрак

Ё ютади, ё...

Ютқизганида ҳам

Холлар бўйинча эмас,

Нокаут билан йиқилади у.

Демак, барча олқиш—

Юракка аталиши керак.

Демак, барча мадҳия—

Юракка аталиши керак.

Демак, барча қўшиқлар—

Юракка аталиши керак.

Биз қачондир, ниманингдир уддасидан

чиқмасак,

Нимани важ қилмайлик,

Барчаси—бекор!

Демак—юрагимиз заиф!

Демак, энг аввало

Юрагимизни чиниқтиришимиз лозим!

Бор бўлсин,

Кўпайсин—

Соғлом,

Чиниққан,

Пойдор

Юраклар!



\* \* \*

Мен  
Мангу оловнинг  
Бир ҳовучини олиб  
қўйнимга соламан.

Йўқ,  
Мен мангуликка  
Даъвогар эмасман ҳеч.  
Мангуликка даъвогар бўлолмас ҳеч ким.  
Мангуликка даъвогардир

фақат

Қурбонлар...  
Ҳар қандай буюклик,  
Ҳар қандай амал  
Қурбонларнинг олдида—  
Ҳечдир!  
Қурбонлар,  
қурбонлар...

Сонсиз,  
саноқсиз...  
Бирида ном бўлса  
Мингтаси номсиз!

Қурбонлар,  
Мен сизга ачинмайман,  
Йўқ!  
Аза ҳам очмайман мен сизга,

Асло!  
Мен фақат  
Ҳавас қиламан  
Сизнинг тақдирингизга,  
Ҳавас қиламан!  
Тўғри,  
Ҳаммамиз ҳам ссвамиз  
Ватанин,  
Халқни,  
Бахтли ҳаётни,  
Муҳаббатни,  
Гулни.  
Қўшиқлар тўқиймиз,  
Қўшиқлар куйлаймиз улар ҳақида.  
Лекин лозим бўлса  
Ёвга қарши ёлғиз жанг қилмоқ,  
Пулемёт оғзини кўкрак билан тўсмоқ,  
Белга граната боғлаб танк тагига кирмоқ,  
Билмадим...

Сиз ҳам севардингиз,  
Сиз ҳам куйлардингиз...

Сиз қурбонсиз.  
Сизнинг оловингиз қолган  
Бизга хотира бўлиб,  
Мангулик олови.

Мен  
Шу оловнинг бир ҳовучини олиб  
қўйнимга соламан  
Жонажон дўстлардай,  
Сўрамасдан,  
Тортинмасдан,  
бемалол.

Мен ўзимни сизга дўст кўраман.

Сиз мени ўзингизга дўст кўрасизми?  
Мен сизга ҳавас қиламан.  
Мен сизнинг сафдошингиз бўлишни истайман.  
Сафдошингиз бўлишимни истайсизми сиз?

Қани,  
Оловнингизни аяманг мендан,  
Дўстларим!

Мен  
Мангу оловнинг бир ҳовучини олиб  
қўйнимга соламан.

## ВИКТОР ХАРА

Виктор Хара,  
Жигарим...

Қўшиқ ҳаволарди  
Юксакларда,  
Ҳаёт ишқин солиб  
Юракларга.

Ёрқин ва мусаффо юртнинг самоси,  
Тобора юксалар қўшиқ парвози.

Тўсатдан самони булутлар қучди,  
Юрт бошига қора кун тушди.

Машғум тўда қонлар ича бошлади,  
Эрқиннинг кафанини бича бошлади.

Урлайверди ҳамон  
Юксакларга қўшиқ,  
Даъват чўғин ташлаб  
Юракларга қўшиқ.

Қўшиқ соҳибини тутдилар,  
Қўшиқни ҳибсга маҳкум этдилар.

Оёқ-қўлларига кинчан урдилар,

Дамингни чиқарма, деб буюрдилар.

Қўшиқ қўшиқ бўлса ҳеч тинарми!  
Қўшиқ амрларга бўйсунарми!

Урлайверди яна  
Юксакларга у,  
Кураш ўтин ёқиб  
Юракларда у.

Тўда жазавада,  
                    Кўзлар тўла қон,  
Қўшиқни енголмай  
                    Ақли лол,  
                                    ҳайрон...

Қўл-оёғин кесдилар—  
                    Бўлмади.  
Сўнгра дорга осдилар—  
                    Бўлмади.

Қўшиқ танасидан жудо бўлди-ю,  
Айланди энди бир эркин руҳга у.

Учаверди яна  
Юксакларда,  
Эрк оташин ёқиб  
Юракларда.

Зулм билан қўшиқ—  
                                    Сув билан олов,  
Бир-бирини доим инкор этар ёв.  
Бугун узун экан зулмнинг дасти,  
Бу унинг мангулик эканимасдир!  
Жазаваси тутар,  
                                    Кўзи тўла қон,  
Қўшиқни енголмай





Гуноҳим не дерсиз?

(Дейсиз албатта,

Товуқ ҳам ўзини покиза санар!)

Гуноҳингиз, генерал, беқиёс, катта:

Сиз она кўксига урдингиз ханжар.

У кўп қон йўқотди, бурдаланди жисми,

Лекин Самандардай—барибир тирик.

Сабаби:

Халқ эди унинг исми,

Ахир бўлармиди халқни ўлдириб!

Ана,

ёш ўрнига қон томиб кўзидан,

Ултирар бошидан учириб ҳушни.

Шаҳид фарзандларга очган азадан

Қонхўр фарзанд учун алами кучли.

Инсондан боғ қолар, буғдойзор қолар,

Қўшиқ қолдиради оламда инсон.

Сиздан нима қолди,

дорлар, ваболар.

Ва ҳар бир қадамда

қон,

қон,

қон...

Мана,

Ҳаёт-мамот «банк»ингиз синди,

Топганингиз бўлди лаънат, маломат.

Аммо қарзингизни халқ тўлар энди

Қон билан,

қон билан,

қон билан фақат!

Беақл қиморбоз,

айтинг:

ҳаттоки



Махлуқ ўз қавминини шу ҳолга қўярми?!  
Мундир ўғирларми ақлни ёки  
Ақлсизларгина мундир киярми?

Ҳар қандай иш топар маантиқий яқун,  
Ҳадемай чалинар Сизга сўнгги жом.  
Сиз учун ҳукмнинг ижроси яқин,  
Интиқом яқиндир,  
интиқом!

Бунга-ку, заррача шубҳа йўқ, лекин,  
Мангулик бир алам чаккаси томар:  
Ўзга тупроқ аро қолиб кетиб мен,  
Сизни она тупроқ бағрига олар.

Яна бир афсус бор,  
гўёки бўри  
Орзуни қўзидай нимта-нимта қилар:  
Неруда,  
Альенде,  
Харалардан кўра  
Пиночетлар кўпроқ туғилар!

Дерсиз, ҳукм чиқса бу гаплар нечун?  
Лекин ўлимда ҳам ўлим бор ахир!  
Сизни миллионлар лаънатлаб бу кун,  
Бир шарафсиз ўлим тиламоқдадир.

Хатим битди, генерал.  
Хотима қилиб

Айтайки,  
Чилининг иқболи баланд.

Чилига омонлик,  
Сизга ўлим тилаб:  
Луис Альберто Корвалан.

## ФАЛАСТИН ҚУВГИНДИСИНИНГ МОНОЛОГИ

Биз албатта ўз ватанимизни  
озод қилишга эришамиз.

Есир Арофат

-  
Ватан беринг менга,  
Ватан беринг!

Кўз очиб кўрганым—чексиз осмон бўлди,  
Ҳамда сонсиз юлдузлар.  
Юлдузлар куларди...  
Қарийб ўттиз йилки,  
Ҳамон кулар улар.

Агарчи, юлдузлар бахт ваъда қилиб,  
Орзу бўлиб имлар инсонни улар,  
Менга-чи,  
Донмо ҳолимга кулиб,  
Масхара қилгандай туюлар.

Гарчи кенгликларга интилар инсон,  
Гарчи осмон сари чўзади у бўй,  
Менга-чи,  
на кенглик керак,  
На осмон,  
Менга уй керакдир,  
Торгина бир уй.

Гар кўзни қувнатар ҳар гул, ҳар чечак,  
Юракларга солар ҳаяжон, титроқ.  
Менга ер керакдир,  
Менга тупроқ керак,

Оддийгина,  
қовжираган тупроқ.  
Ахир нимани деб яшайди одам,  
Менга ватан керак,  
Менга ватан беринг!  
Гул,  
Юлдуз,  
Осмоним  
бўлади у дам,  
Ҳаммаси,  
ҳаммаси бўлади кейин.

Мен сиздан садақа сўрамаяпман,  
Мулкимни қайтаринг фақат ўзимга!  
Улуғ ҳадя қилай,  
Ҳадя қилай Ватан  
Қўчада туғилган ўғил-қизимга!

Қарийб ўттиз йилки, беватанман, сарсон,  
Ватан беринг менга,  
Ватанимни беринг!  
Бу аслида жуда ҳам осон:  
Чинқиб кетинг ундан,  
Тошингизни теринг...

Ҳаловат топмассиз йўқса уйқудан,  
Ҳаётингиз кечар таҳликага тўлиқ.  
Йўқса ортингиздан қувганим қувган,  
Урганим ургандир уртўқмоқ бўлиб!

Босқинчининг доим шулдир қисмати.  
Қилмиш-қидирмишдир,  
Тақдирга тан беринг.  
Ёки

эс борида этакни ёпиб,  
Ватан беринг менга,  
Ватан беринг!

## ЛУЛИ ҚУШИҒИ

*А. С. Пушкинға*

Қимнингдир пули бор, қимнингдир бахти,  
Қимнингдир эгари, қимнингдир тахти.  
Қимнингдир боғи бор, қимнингдир тоғи,  
Қимнинг шаҳари бор, қимнинг қишлоғи.  
Қимнинг жандаси бор, қимнинг давлати,  
Қимнинг армони бор, қимнинг даъвати..  
Лекин ҳаммасининг нимасидир кам,  
Бағри бутун эмас биттасининг ҳам.  
Барчаси тақдирдан нолийди ҳар кун,  
Оламда битта мен тақдирдан мамнун.  
Чунки лўли учун уч нарса зарур,  
Уларнинг ҳаммаси қўлимда эрур:  
Эрким бор—давлатим, йўлим—ватаним,  
Қўшиғим бор—толмас қашотим маним!  
Мени лўли дея кула кўрманг сиз,  
Қанийди мен каби тўкис бўлсангиз!

\* \* \*

*Рауф Парфиға*

Тоғ бағрида бир булоқ,  
Тошлар аро яширин.

Югуриб борар ирмоқ  
Водий сари шошилиб.

Водийда бир боғ яшнар,  
Беназиру беқиёс.  
Ранглардан кўз қамашар,  
Қалбда қайнар эҳтирос.

Бир зумда этади маст  
Гул бўйи, булбул куйи.  
Бир қадам қўйдингми, бас—  
Шундасан умр бўйи.

Қўшиқлар битгинг келар  
Бу мўъжиза, бу сирга.  
Уни мадҳ этгинг келар  
Асрлардан асрга.

Бўлиб боғнинг асри,  
Эсга келарми шу чоқ  
Тошлар аро яширин  
Тоғ бағридаги булоқ...

\* \* \*

К. К. га

Қуёш нури тошқин кун эди,  
Қилиб қолди дўстим илтимос.  
У меннинг кўзларим сўради,  
Сўради ўтиниб, дўстга хос:

«Кўзларинг ҳеч ярашмас сенга,  
Кўзларингни менга бериб тур.  
Оламан сездирмай, афсундай,  
Қани, бир кўзсиз ҳам яшаб кўр».

Мен дўстимга кўзларим берсам,  
Топарми у бирор манфаат?  
Бу дунёни иккаламиз ҳам  
Ахир бир хил кўрамиз фақат!

Дўстлар доим омонда бўлсин,  
Дўстлар билан гўзалдир дунё.  
Юрагимни сўрсалар сўрсин,  
Кўзларимни сўрмасин аммо.

Душман бўлса... унга эҳтимол,  
Асқатарди кўзларим маним,  
Дўстим, қўй, сен юрагимни ол,  
Кўзларимни олсин... душманим.

\* \* \*

Кўнгилга қофия мўл:

Йил,

Йўл,

Чўл...

Йиллар бўлса ҳам ўртада,

Йўллар бўлса ҳам ўртада,

Чўллар бўлса ҳам ўртада

Барибир—

Энг яхши қофиядир

Кўнгилга

Тил.

Ва

Гул.

Яна бир қатор

Қофиялар бор:

Пул,

Қул,

Кул...

Булар—

Бир-биридан туғилар:

Пулдан—қул,

Қулдан—кул.

Кейин...

Қофиясиз қолади кўнгил.

## Ю РА Г И М

Хумчага қамалган дев каби  
Қичик қафас ичра жосан.  
Гоҳ мунғайган, гоҳ серқаҳр,  
Гоҳ туғён, гоҳ илтижосан.

Йиғлай-йиғлай қонга тўласан,  
Талпинасан эрк деб бетоқат,  
Қафасингни ёрмоқ бўласан,  
Сен қисматни билмайсан фақат.

Қисмат шулким—яшамоқ бўлсанг  
Бандиликни қўясан устун.  
Озодликка чиқдинг—ўласан.  
Эрк дегани ўлимдир, дўстим!



\* \* \*

*Миртемир домла хотирасига*

Бир тол эди. Одмигна, ҳавоси йўқ,  
Саноқсиз шох босиб турар елкасида,  
Назардан чет, ҳеч ким уни демас буюк,  
Турар эди томорқанинг чеккасида.

Қулаб тушди у бир куни. Эвоҳ, эвоҳ!  
Томорқани буткул вайрон қилиб кетди.  
Шийдам бўлиб ва ҳувиллаб қолди ҳар ёқ,  
Буюклигин шунда аён қилиб кетди.

\* \* \*

Мени ёмон кўрар баъзи одамлар,  
Албатта, бу нафрат бесабаб эмас.  
Лекин яхшилигим сезмайди улар,  
Ва ёки сезса ҳам сезгиси келмас.

Мени яхши кўрар баъзи одамлар,  
Балки бу меҳр ҳам бесабаб эмас.  
Лекин ёмонлигим сезмайди улар,  
Ва ёки сезса ҳам... сезгиси келмас.

## ЯНГИ ЙИЛ ТОНГИ

Тонг отди. Оппоқ тонг. Оппоқ бир титроқ...  
Илк бор кўзин очди гўдак йилимиз.  
Гўдакнинг ўзи ҳам, йўргаги ҳам оқ,  
Шундай бир оқликки, қамашади кўз.

Гўдакнинг иқболини тилаймиз бу дам:  
Йўли ойдин бўлсин, пешонаси оқ.  
Оппоқ бўлсин доим тонг ҳам, тилак ҳам,  
Оқлик—поклик демак. Демак, бўлсин пок.

Вақт ўтар, гўдак ҳам улғаяр секин,  
Неча бор ўзгартар ҳали либосин.  
Зоҳирдаги оқлик йўқолар, лекин,  
Ботиндаги поклик доимо қолсин.

\* \* \*

Аёз жонингиздан ўтган дам,  
Баҳорнинг хумори тутган дам,  
Уни нитиқ бўлиб кутган дам  
Бойчечакка айтинг қасида.

У музларни ёрган маҳалда,  
Олам қилар баҳорий ханда.  
Баҳор ахир биринчи галда—  
Бойчечакнинг сабрига боғлиқ.

Бойчечакка айтинг қасида...

## БАҲОР КАИФИЯТИ

Оқшомлар зангори-зангори,  
Тўлқинлар жангари-жангари.

Афсундир қизларнинг эрмаги:  
Бир боқиб сеҳрлаб кетади.

Ошиқлар гўё бир девона—  
Еллардан тинглайди афсона.

Водийлар беқасам княди,  
Камалак—кўнгилнинг жияги.

Утганда-кетганда—табассум,  
Тўлқинлар ёлида ҳавасим...

### КУЗ

Еллар изғир чорбоқларда... Қўнғиртобдир бўёқлар,  
Қўним топмай тентирайди хазонрезги япроқлар.  
Кечагина нигоҳларга ўт қалар эди, бугун—  
Шафқат билмас шамолларнинг қўлида ўйинчоқлар...

\* \* \*

Ҳаёт турли жойда турлича кечар,  
Турли шаклларда бўлар намоён.  
Ҳаёт—қишни ёриб чиққан бойчечак,  
Ҳаёт—ушалмаган, ушалган армон.

У қайдадир меҳр-муҳаббат, ихлос,  
Қайдадир—ёзилмай қолган бир варақ.  
У қайдадир руҳан ва жисман парвоз,  
Қайдадир руҳан ва жисман жасорат.

Ҳаёт—чол юзида ажин ва қайғу,  
Зулумот бағрини тилка қилган нур.  
Бола чеҳрасида мусаффо кулгу,  
Ватан тақдирига тикилган умр.

У гоҳо чирмашар кошоналарга,  
Ивирсир чумоли каби ғалати,  
Қўнғиздай ғувиллар майхоналарда,  
У шунда тириклик бўлиб қолади.

\* \* \*

Йўлим олис, поёни йўқ,  
Йўлим силлиқ, соз эмас.  
Унқир-чўнқир, бурими кўп,  
Мўъжиза ҳам оз эмас...

Майсазордан ўтар йўлим,  
Қўзидай ёстанарман.  
Боғлар учрар сўлим-сўлим,  
Ором олиб тунарман.

Гоҳо таъзим қилар гуллар  
Яшнаб ўнгу сўлимда.  
Гоҳо жазирама чўллар  
Адаштирар йўлимдан...

Ҳориб-чарчаб ошарман тоғ,  
Иссиқ таним ёндирар.  
Қоя тағнда бир булоқ  
Чанқоғимни қондирар.

Гоҳо тикка, гоҳо эниб,  
Гоҳ бурилиб кетарман.  
Гоҳо мудроқ босар мени,  
Гоҳ сурилиб кетарман...

Орта қолар ҳатто уфқ,  
Мен йўлда давом этгум.  
Йўлим олис, поёни йўқ,  
Аммо шёда кетгум...



## О И Л Л

### Триптих

#### I

Дастлаб икки киши эди улар,  
Топганини еб-ичишарди.  
Тунларини тонгларга улаб  
Бахт ҳақида фол очишарди.

Кунлар узун эди, жуда узун,  
Гўё кунлар эмас, асрлар эди.  
Кунлар ҳижрон эди улар учун,  
Улар кўпроқ тунни қадрлар эди.

Лекин тунлар.. Ожиз, ҳимоясиз..  
Ахир тун нафасдай қисқа бўларми!  
Бир-бирига тўйай деганда, эсиз,  
Ажратиб кетарди уларни.

Яна ҳижрон. Куни бўйи ҳижрон.  
Малҳамин меҳнатдан топишар эди.  
Кундуз измин тунга бергани он  
Бир-бирин васлига чопишар эди.

—Сеними, қараб тур!—дерди унис.  
Арслондай ҳамлага шайланиб.  
—Ҳо-о-о... бўйсиз!—дерди буниси,  
Мушук боласига айланиб.

Қучоғи бир дунё эди унисининг,  
Пўқ бўлиб кетарди буниси.  
Бўсаси ўт эди бунисининг,  
Ўт бўлиб кетарди униси.

Олам унутилар эди бутун,  
Ўзи олам эди ишқ деган тилсим.  
Шундай ўтгач, айтинг, бечора тун  
Нафас каби бўлмай на қилсин!

Ҳаёт кечар эди шундай беғам,  
Ҳар хил ташвишлардан холи эди.  
Уларнинг ягона ташвиши ҳам  
Бир-бирининг висоли эди.

Қараб турармиди умр—югурик,  
Тунга теккизмасак бўлар экан тил,  
Қўз очиб-юмишга улгурмай туриб,  
Ўтиб кетди ҳаттоки бир йил.

## II

Улар аввал икки киши эди,  
Мана энди эса—уч киши.  
Бошларига ёғилди энди  
Бутун бир дунёнинг ташвиши.

Гўё илгариги туйғулар—абас,  
Бири бири билан гўё йўқ иши,  
Бир-бирин ўйига бир-бири эмас,  
Ҳокимдир энди у учинчи киши.

У бир оҳанрабо,  
У бир оҳанрабо—  
Унга талпинишни иккаласи ҳам.  
У бир ўзга дунё—

У бир ўзга дунё—  
Унга топинади иккаласи ҳам.

У ўз қадрин жуда яхши билар,  
Эътибор дер фақат, фақат эътибор.  
Овқат келдими—бас, хархаша қилар,  
Тонггача уйқуни бузар неча бор.

Упа-ўпа «ранжитса» униси,  
«Авва!» дея «чақар» бунисига.  
«Дардини аритгач» буниси,  
«Қа-ах!» дея боқар унисига.

Йиғилари унинг, хархашалари...  
Бундан ҳам ширинроқ нарса бўларми!  
Тобора авжигача чиққани сари  
Бахтиёр қилади уларни.

Дастлаб икки киши эди улар,  
Топганини еб-ичишарди.  
Тунларини тонгларга улаб,  
Бахт ҳақида фол очишарди.

Мана—Бахт! Рангларга тўладир олам,  
Энтикиб кетади киши... галати...  
Ифодалаб бўлмас бунис сўз билан,  
Бўғзингда тиқилиб қолади...

...У ҳали дунёнинг нелигин билмас—  
Гар бир парча этдир беташвиш, беғам,  
Шу яқин-орада туғилган эмас,  
Таржиман ҳоли бордир унинг ҳам.

У бундан беш-олти йиллар муқаддам  
Икки юрак аро тушган нурли йўл.

Уларнинг ороми, тинчини йўқотган,  
Ҳали оқибати мавҳум, сирли йўл.

У—ўша икки қалб то тонгга қадар  
Банди бўлган хаёл, қочиб юрган хоб.  
Ойдин тунлардаги исмсиз бир дард,  
Сиеҳ тунлардаги ойдин изтироб.

Сўнг серҳадик шивир, аққимтир бўса...  
Сўнгра қайноқ оғуш, маст қилғувчи бахт.  
Сўнгра иссиқ, серфайз, чароғон гўша...  
У—соғлом, покиза, жонли муҳаббат!

...Улар аввал икки киши эди,  
Мана энди эса—уч киши.  
Бошларига ёғилди энди  
Бутун бир дунёнинг ташвиши.

О, ташвишлар, уларнинг бошига  
Нур ёмғири бўлиб ёғилаверинг!  
Қувонч улаб фақат қувончига,  
Уларни фарқ қилиб ёғилаверинг!

### III

Аввал икки киши эди улар,  
Топганини сб-ичишарди.  
Тунларини тонгларга улаб,  
Бахт ҳақида фол очишарди.

Кейин улар уч киши бўлди,  
Қўнгилларда—қуёш. Чароғон...  
Нурга тўлди, бахтга тўлди,  
Ҳароратга тўлди хонадон.

Лекин... тундан нолиб ўтирибмиз,  
Йилдан нолиб ўтирибмиз-а.

Табиатнинг номардлигин биз  
Билмай қолиб ўтирибмиз-а!

Номард бўлмасайди у агар,  
Нимта қилиб инсон кўнглини,  
Қапалакнинг умрига қадар  
Кесармиди бахтнинг умрини!

Шундай қилиб... бари тугади.  
Бахт тошқини, қуёшли даврон...  
Униси қиронга жўнади,  
Ҳувиллади-қолди хонадон.

Энди кунмас, дақиқалар аср,  
Ҳар бири таҳлика билан тўладир.  
Кун бўйи гўдагин бағрига босиб,  
Буниснинг кўзи йўлдадир.

Шу тахлитда ўтаверар вақт,  
Бир йил... Беш йил... Қирон ҳам тугар...  
Униси уйига қайтмайди фақат.  
Буниси... ҳамон йўл бошида турар.

Чидай деб асрлар имтиҳонига,  
Кейин бронзага айланар бутун.  
Шу дам... Униси ҳам қайтар ёнига,  
Олов бўлиб, иситмоқ учун.

Яна топишарлар. Энди ҳижрон йўқ.  
Бир-бирига мангулик йўлдош.  
Мангулик мулоқот. Ширин ва қуюқ.  
Ота—олов, она-бола—тош...

...Аввал икки киши эди улар,  
Топганини еб-ичишарди.

Тунларини тонгларга улаб,  
Бахт ҳақида фол очишарди.

Кейин улар уч киши бўлди,  
Кўнгилларда—қуёш. Чароғон.  
Нурга тўлди, бахтга тўлди,  
Ҳароратга тўлди хонадон.

Кейин бир-бирини йўқотди улар..  
Яна бир-бирини топиб, бирлашиб,  
Мана, асрларни асрларга улаб,  
Бир эртак сўзлашар: аччиқ ва ажиб...

## МАНГУЛИҚ ИУЛОВЧИЛАРИ

### Ҳазил

Бекатда одам кўп. Шовқин қизиган.  
Кутишар Мангулик автобусини.  
Ҳамма ҳам автобус келиши билан  
Эшкка урмоққа чоғлар ўзини.

Ёш-қари дегандек... турфа киши бор,  
Бари бетоқатдир автобус пойлаб.  
Баъзиларининг-ку, зарур иши бор,  
Баъзилари эса, шунчаки, ўйнаб...

Мана, автобусга ўзини урди  
Девдай барзангилар, мункайган чоллар  
Бир-бирини эзиб, йиқитиб, туртиб...  
Қай бири ҳансирар, қай бири додлар.

Тўрт йигит мийиғида кулганча, бесўз,  
Бир четда бу ҳолни томоша қилар.  
Юқини тортолмай қолса автобус,  
Итариб юргизиб юборар улар.

## ФАИЛАСУФ

*Аҳрорга ҳазил*

Ёши—юзнинг нари-берисида,  
Оғзида битта ҳам тиши йўқ.  
Қўкка боқиб, олам тўғрисида  
Фикрлашдан бошқа иши йўқ.

Тартиб билан фикрлайди у:  
Алвал чиқармайди ҳаттоки бир сас.  
Кейин нималардир дейди-ю,  
Лекин гапларига тушуниб бўлмас.

Нималардир дея хафа бўлар у,  
Нималардир дея хурсанд бўлади.  
Юзига бир зумда қалқади қайғу,  
Яна бир зум ўтмай севинч кулади.

Олам ишларини тарозига солиб,  
Шунчаки шайинни тутмоқ ҳам гапми,  
Бир паллага ташлар бошқасидан олиб,  
Сақламоқчи бўлар мувозанатни.

Анчагача уринар бу ишга.  
Анчагача шундай давом этар.  
Эндигина солдим деганда изга,  
Қургур олам тагин чиқар-да, кетар.



Охири тоқати тоқ бўлар унинг.  
Меҳнатлари зое кетгани учун  
Дод солар ўзини ҳар ёнга уриб,  
Сўнг, оша бағрида топади тинчин.

Энди сабабини айтмасам бўлмас:  
Ёши кунларга тенг, йилларга эмас.

## УҒРИЛАР ҲАҚИДА

*Расул Ҳамзатовдан*

Қилмасанг эҳтиётинг,  
Уғри беради додинг.

Бас келиб бўларми  
Уларга, ҳай-ҳай!  
Ишлари ўмариш  
Туну кун демай.  
Бир кўпроқ урар,  
Бириси озроқ.  
Гоҳо думба унар,  
Гоҳо бир оёқ.  
Бирининг бўғчаси  
Қўлтиқда кетар.  
Бирининг ўлжасин  
Арава элтар.  
Баъзи ўғрилар бор,  
Уғри деб кўр-чи!  
Баъзиларга тайёр  
Қоп-қора курси.  
Қари ўғри ҳакка  
Бўтқасин қўзғар.  
Гапни улаб гапга  
Ҳинкоя сўзлар:  
«Ўнта бармоқ—ўн ўртоқ,  
Пўлдошлар эди.  
Икки кўрсаткич бармоқ

Иўл бошлар эди.  
Урта бармоқлар топар,  
Бош бармоқлар ер,  
Холис бармоқлар фақат  
Билар эди сир.  
Сувдан чиқди-ю, қуруқ  
Саккизта бармоқ,  
Кесилди гуноҳи йўқ  
Икки жимжилоқ».

Қилмасанг эҳтиётинг,  
Уғри беради додинг.

Уғри ҳар хил бўлар:  
Елғиз ё шерик.  
Гоҳ отарни урар,  
Гоҳ—кимнинг шеърин.  
Понга қорни тўйди,  
Қаппайди кармон.  
Энди-чи, етмайди  
Бурнига нарвон.  
Кўнгил қурғур чопар  
Ҳамон юксакка.  
Узга билан ётар  
Узга тўшакда.  
Қари ўғри ҳакка  
Бўтқасин қўзғар.  
Гапни улаб гапга  
Ҳикоя сўзлар:  
«Унта бармоқ—ўн ўртоқ,  
Иўлдошлар эди.  
Икки кўрсаткич бармоқ  
Иўл бошлар эди.  
Урта бармоқлар топар,  
Бош бармоқлар ер,  
Холис бармоқлар фақат

Билар эди сир.  
Сувдан чиқди-ю, қуруқ  
Саккизта бармоқ,  
Кесилди гуноҳи йўқ  
Икки жимжилоқ».

Тоғлардан тоғ тугилар,  
Ўғриллардан—ўғриллар.

Тулкиннинг ҳаммадан  
Ҳурмати баланд.  
Гап изни ёпишда  
Усталик билан.

Хўп устаси фарағ  
Баъзи ўғриллар.  
Ҳатто қонунга ҳам  
Чап берар улар.  
Қўй бўлганда ўлжа  
Чиқмайди иси.

Аммо тушар қўлга  
Хўроз ўғриси.

Қари ўғри ҳакка  
Бўтқасин қўзғар.

Гапни улаб гапга  
Ҳикоя сўзлар:

«Ўнта бармоқ—ўн ўртоқ,  
Иўлдошлар эди.

Икки кўрсаткич бармоқ  
Иўл бошлар эди.

Ўрта бармоқлар топар,  
Бош бармоқлар ер,  
Холис бармоқлар фақат  
Билар эди сир.

Сувдан чиқди-ю, қуруқ  
Саккизта бармоқ,  
Кесилди гуноҳи йўқ  
Икки жимжилоқ».

## МУНДАРИЖА

### Даъват

«Сўз айтгани...» . . . . .	3
«Мен сени...» . . . . .	4
«Мен сени шу қадар...» . . . . .	5
«Хато қилдик...» . . . . .	7
«Қай биримиз...» . . . . .	9
«Уйлама...» . . . . .	11
«Уни...» . . . . .	12
Иккимиз . . . . .	13
«Анҳор соҳилида...» . . . . .	14
Муҳаббат . . . . .	15
«Аёл гўзаллиги...» . . . . .	16
Қўшиқ . . . . .	17
«Сен куласан...» . . . . .	18
Раққоса . . . . .	19
«Маъруфдир...» . . . . .	21
Муборакка . . . . .	22
Қизимга аталган шеър . . . . .	23
Май шеъри . . . . .	25
Уй . . . . .	26
«Мен...» . . . . .	27
«Баҳор ўтди...» . . . . .	29
Даъват . . . . .	30
«Жилдлар бор...» . . . . .	31
«Ташқарида...» . . . . .	32
Маҳбубага . . . . .	34
«Сув оқадн...» . . . . .	36

«Ҳаво бирам булут...» . . . . .	37
«Бу кеча...» . . . . .	38
Маъруф аканинг ҳазили . . . . .	39
Чапакчилар . . . . .	40

## Ю р а к

«Икки сурат...» . . . . .	42
«Улчовдан...» . . . . .	44
«Ғаров қамиш...» . . . . .	45
«Она-бола...» . . . . .	47
Пахта . . . . .	49
Пахта . . . . .	50
Деҳқон . . . . .	53
Ўзбекистон . . . . .	56
Хаёллар . . . . .	58
«Мен нону насиба...» . . . . .	60
Сирождидин Валиев билан танишув . . . . .	61
Мирзо Улуғбек монологи . . . . .	64
Ватаним . . . . .	66
«Йўлларга термилиб...» . . . . .	69
Отамга хат . . . . .	71
«Осмон тиниқлашиб...» . . . . .	74
«Уйноқлайди шамол...» . . . . .	76
«Биз одамлар...» . . . . .	77
Юрак . . . . .	78
«Мен...» . . . . .	81
Виктор Хара . . . . .	84
Генерал Пиночетга мактуб . . . . .	87
Фаластин қувғиндисининг монологи . . . . .	90
Лўли қўшиғи . . . . .	92
«Тоғ бағрида...» . . . . .	93
«Қуёш нури...» . . . . .	94
«Кўнгилга...» . . . . .	95
Юрагим . . . . .	96
«Бир тол эди...» . . . . .	97

«Мени ёмон...»	98
Янги йил тонги	99
«Аёз жонингиздан...»	100
Баҳор кайфияти	101
Куз	102
«Ҳаёт турли...»	103
«Йўлим олис...»	104
Онла	105
Мангулик йўловчилари	111
Файласуф	112
Ўғрилар ҳақида	114

На узбекском языке

**МАШРАБ БАБАЕВ**

**СЛОВО**

**С Т И Х И**

Редактор **А. Шаропов**  
Рассом **Д. Афуксинди**  
Расмлар редактори **А. Бобров**  
Техн. редактор **Н. Жўраева**  
Корректор **М. Аҳмедова**

**ИБ № 283**

Босмахонага берилди 11VIII-77 й. Босишга рухсат этилди 2/III-78 й. Формати 70x90 1/32. Босма л. 3,75. Шартли босма л. 4,38. Нашр л. 3,32. Тиражи 10000. Р. 08864. Фафур Фулом помидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 30—77.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонасида № 1 қоғозга босилди. Бекобод, 1978 йил. Заказ № 119. Баҳоси 40 т.